

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ, М. ХИББИМОВ

ТУТ  
ДАРАХТИНИ  
ҚАЛАМЧАСИДАН  
КҮПАЙТИРИШ



638.2 № 33457/1  
P 30 Payable -  
Deferred

Году заражения  
доказано 28 марта  
регистрируется

1997 25000

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ, М. ХИББИМОВ

ТУТ  
ДАРАХТИНИ  
ҚАЛАМЧАСИДАН  
КҮПАЙТИРИШ




38.2  
30

Р-33

К. РАХМОНБЕРДИЕВ, М. ХИББИМОВ

# ТУТ ДАРАХТИНИ ҚАЛАМЧАСИДАН КҮПАЙТИРИШ

(Үқув құлланма)



ТОШКЕНТ — «МЕХНАТ» — 1997

Пиллачиликни ривожлантиришда тут барги мұхым ажамияттаға зәғ. Шу туфайли күплаб тутзорлар ташкил этиб, илғор агротехника үсулларида тут барғы етиштириш талаб этилади. Тутларнинг бир йиллик ёроғлашган новдаларидан тайёрланған қаламчаларни очиқ ерда күпайтириш энг самарағын үсуллардан бирін ҳисобланади.

Китобда тут қаламчаларини күпайтириш үсуллари, агротехники-каси ва янги тутзорларни яратиш ҳақида сүз юритилади. Ушбу құлланма олниң ва ўрта мағуссұс үқув юртларининг пиллачилик агрономиялық факультетлари, талабалари ҳамда тутчилик билан шуғулланувчи мутахассислар учун мүлжаллланған.

Тағризчилар: биология фанлари номзоди Р. ҚУРБОНОВ, қишлоқ хұжалик фанлари номзоди Ш. ТЕМУРОВ

Муҳаррирлар: Р. ТОИРОВА, И. УСМОНОВ

Китоб, Самарқанд вилояти Иштихон туман Бош пиллахонасының «Хуорумеск» баспасынан чоп этилди

P 370502.000-7  
M359(04)-97 68-97

Гарифов  
С «Мегнэт» издаши, 1997

ISBN 5-8244-1235-9

## КИРИШ

Республикамида етиштирилаётган пиллага бўлган талаб ҳозирги пайтда жуда катта, шунинг учун ҳали пиллачилик тармоғининг йил сайн ривожланиб бориши табиийдир. Шу муносабат билан пилла қуртининг озиқа базаси бўлган замонавий тутзорларни кенгайтириш ва улардан сифатли барг олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўп жиҳатдан экилаётган тут кўчатларининг навига ва ўстириладиган тут дараҳтларининг озиқалик сифатига боғлиқдир.

Узбекистон пилла етиштириш бўйича жаҳонда салмоқли ўринни эгаллашига қарамай, серҳосил навдор тутлар майдони жами тут майдонларининг атиги 10—15 фоизини ташкил қиласди. У ҳам бўлса йиллар мобайнида дурагай кўчатларга пайванд қилиниб етиштириш эвазига эришилган. Навдор тут кўчатларини пайванд қилиш йўли билан етиштириш учун З йил керак бўлади, бундан ташқари жуда катта меҳнат ва харажатлар сарфланади.

Ҳосилдор тут дараҳтларини кўпайтириш учун агротехникаси жиҳатидан анча арzonга тушадиган усуулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай усууллардан бири селекционерларимиз томонидан яратилган ҳосилдор тут навларини уларнинг ёғочлашган баргсиз қаламчаларидан кўпайтиришдир: Озиқа берувчи баланд танали тутлар ва тутзорлар учун навдор тут кўчатларини қаламчасидан бир йилда етиштириш мумкин. Ёки навдор тут қаламчаларидан ташкил қилинган бута тутзорларда экилгандан кейин иккинчи йилинёқ ипак қурти учун барг ҳосили олиш мумкин. Олинадиган барг ҳосили биринчи йили гектар бошига 3—4 тоннани, иккинчи йили эса 10—12 тоннани ташкил этади.

Пилланинг сифати ҳамда ҳосилдорлигининг юқори

бўлиши учун республикамизда етиштирилаётган навдор тут кўчатлари сонини йил сайни кўпайтириб бориш энг асосий масалалардан бири бўлмоги керак. «Тут дарахтни қаламчасидан кўпайтириш» ўқув қўлланмаси бизнииг бу соҳадаги тажрибаларимиз асосида ёзилган.

Мазкур китоб ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган муҳтарам китобхонлардан миннатдор бўламиз.

Манзилгоҳимиз: 700183, Тошкент шаҳри. Тошкент Давлат аграр университети.

## ТУТ ДАРАХТИ ҲАҚИДА ҮМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Тут Могис авлоди, тутдошлар (Могассае) оиласига майсуб бўлган 35 та турни ўзида жамлаган арсаллар бўйича кенг тарқалган дараҳтдир.

Тут дараҳти ишак қурти учун асосий озиқа бўлиши билан бирга ундан мева берадиган ўрмон материаллари олиниадиган, шунингдек ихота қилиниадиган дараҳт сифатида ҳам фойдаланилади.

Тут дараҳти келиб чиқини жиҳатидан жанубий кенглиқ ўсимларидан ҳисобланади. У узоқ умр кўрадиган кўн йиллик ўсимлик бўлиб, 300 йил ва ундан ҳам кўпроқ умр кўриши мумкин. Лекин уларининг ишак қуртларини озиқлатириши мақсадида ҳар йил кесилиши оқибатида тут дараҳтларининг ўртача умри 60—70 йилга тўғри келади. Табиий шароитда ўсан тут дараҳтининг баландлиги 18—24, шох-шаббасининг кенглиғи  $24 \times 24$  ва танаасининг йўғонлиғи 1,5 м бўлади.

Баҳор келиши билан қишики тиним давридан чиққан тут дараҳтларида шира ҳаракати кучайини натижасида куртаклар бўрта бошлайди. Куртакларининг бўртиши маҳаллий иқлим шаронтларига ва қишида соvuқ даврининг қанча давом этишига bogлиq. Ўсимлик баргларининг ёзилиши 2-3 ҳафта давом этади, кейин эса новдалар ўса бошлайди. Август ойи охирларидаги барглари саргая бошлайди. Ўсимликда саргайган баргининг тўқилиши ўсув даври тугаб, янги куртаклар ривожлангунга қадар у тиним даврига кирганилигидан далолат беради.

Тут дараҳтларининг илдизи ва ер устки қисмларида йил бўйи маълум қонуниятга мувофиқ равишда ўсиш жараёни давом этади, бунда ўсини жадаллашини ёки, аксинча, сусайини ҳам мумкин. Бу шаронтга bogлиq ҳолда навбатланиб боради.

Баҳорда ўсимлик баргларининг ривожланиши илдинга қараганда бирмунча тез боради. Май ойнда тут дараҳтлари баргидан ипак қурти учун қирқилганидан кейин янги ҳосил бўлаётган барглар сатҳи катталаша бошлайди, йайниңса, июль ойнда улар энг юқори дараҳасига етади. Кузга бориб барг массасининг тўпланиши секинлашади ва илдизларига нисбатан 45—50 кун олдин тўхтайди.

Тут дараҳти илдизлари тиним даври ноябрь ойининг охиirlariga тўғри келади.

Ўзбекистон шароитида тут дараҳтлари март-апрель ойларida икки-уч ҳафта давомида гуллайди.

Табиий шароитда тут дараҳтлари тўрт-беш йилда мева бера бошлайди.

Тут дараҳтлари озиқбоп ўсимлик бўлиб, намга талабчандир.

Тут дараҳтларининг яхши ривожланишида ҳароратнинг иссиқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг ёш новдалари — 1—2°C да нобуд бўлиши мумкин. Агарда иссиқлик 12°C дан паст ёки 40°C дан юқори бўлса ривожланиши ёмонлашади.

### Тутни кўпайтириш усуллари

Тут дараҳтлари уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди: пайвандлаш, пархиш қилиш билан ҳамда қаламчадан кўпайтирилади.

Лекин тутчиликни ривожлантиришда тут дараҳтларини қаламчаларидан кўпайтириш усули бошқаларига нисбатан аҳамиятироқdir. Чунки тут дараҳтлари вегетатив йўл билан кўпайтирилганида бир хил экиш материалларини олиш ва ўсимликнинг қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш мумкин бўлади. Уруғдан кўпайтирилганда юқорида қайд этилганларга эришиб бўлмайди.

Тутчилик соҳасида навдор тут дараҳтларини вегетатив йўл билан кўпайтиришда улаш (пайвандлаш) усули муҳимдир. Улаш усуллари хилма-хил бўлиб, бу ўринда кўпгина олимларнинг илмий ишлари ва амалий тажрибаларини баён этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Саноро-хоте-дае-га-сегу усули «Т» симон кесик ҳосил қилиб куртак пайванд қилиш ва унинг икки томонидан айлантириб боғлашдан иборат. Пайвандтак пўстлогини «Т» симон кесиб пайвандуст сифатида кесиб олинган куртак пайванд қилинади, яъни пўстлоқ ичига

киритилиб устки (куртаккача бўлган қисми икки томони ҳам) чинта билан маҳкам ўраб боғланади. Бу усул куртак пайвандлаш ва фақат устки қисмини ўраб боғлаш М. И. Гребинская томонидан тавсия этилган.

Тут дарахтлари шох-шаббасига қаламча пайвандлаш. Бунда пайвандуст сифатида тутнинг серҳосил навларидан тайёрланган қаламчалар ишлатилади. Пайванд эрта баҳорда дарахтларнинг куртаклари кўкара бошлагандаги шаклланган шоҳларига қилинади.

*Қаламча пайванд.* Икки ёки уч ёшли, илдиз бўғзининг йўғонлиги 10—12 мм дан кам бўлмаган кўчатлар пайвандтаги сифатида ишлатилади. Пайвандуст учун икки куртакли, йўғонлиги 4—6 мм бўлган қаламчалар ишлатилади.

*Искана пайванд.* Икки ва ундан каттароқ ёшдаги тут кўчатларида шира ҳаракати бошланиши билан пайванд ишлари бажарилади. Пайвандуст учун йўғонлиги 4—5 мм дан кам бўлмаган 2—3 куртакли қаламчалар ишлатилади. Пайвандтакнинг ўртасини қия қилиб ёриб унга исканага ўхшаб кесилган қаламча жойластириллади.

*Қишида ниҳолчалар илдиз бўғзига пайванд солиши.* Бу ўсул У. Қўчкоров, Ф. Гатин ва А. Пўлатов (1977) лар томонидан тавсия қилинган. Пайванд қилиш учун кузда кавлаб олинган, илдиз бўғзининг йўғонлиги 8—10 мм дан кам бўлмаган биринчи ва иккинчи нав ниҳолчалар ташлаб олинниб тупроққа қўмилади. Қишида ва эрта баҳорда пайвандтагда шира ҳаракатини юргизиб пайвандлашга киришилади.

*Илдизга пайвандлаш.* Бунда пайвандтаг сифатида уруғдан ўстирилган кўчатларнинг кесиб ташланган илдизлари ёки ўқ илдизларидан фойдаланилади.

*Найча пайванд.* Ёзда (июнь-июль) баҳордан бошлаб ривожланган янги новдалар ёғочлана бошлаганда пайвандтаг новдасининг йўғонлигига тўғри келадиган найчасимон пайвандуст тайёрланиб пайвандтаг ёғочлигига аста-секинлик билан зичлашиб жойлангунча кийгизилади.

Тут дарахтларини пархиш йўли билан кўпайтириш. Пархишлаш деб она ўсимликдан ажратилмаган ҳолда илдиз олдирилган пояга айтилади.

Пархиш йўли билан одатда қийин кўкарадиган ёки қаламасидан кўпаймайдиган маданий ўсимликлар кўпайтириллади. Пархиш қилиш йўли билан кўпайтириш

кatta ҳажмда олиб бориладиган бўлса, пархиш йўли билан кўпайтириладиган маҳсус она тутзорлар барпо этилади (А. И. Федоров, 1954).

Тут дараҳтларини қаламчаларидан кўпайтириш. Тут дараҳтлари ўтган асрнинг иккинчи ярмида қаламчаларидан кўпайтирила бошлаган.

Тут дараҳтларини баргли қаламчаларидан кўпайтириш тажрибалари А. И. Фёдоров, Г. В. Кудрявцева-лар томонидан 1934—1935 йилларда олиб борилган. Бунда тут дараҳтининг Японияда яратилган тўртта нави ва маҳаллий хасак тутлари қаламчаларидан жами 10 минг қаламча экилган. Баргли қаламчалари 15 июнда тайёрланиб экилганда тут навларига қараб 57% дан 90% гача илдиз олган.

Урта Осиё шароитида тут дараҳтларини ёғочлашган баргиз қаламчаларидан кўпайтириб бўлмайди деган фикр узоқ йиллар хукм суреб келди.

Ҳозирги вақтда Токио олийгоҳи томонидан тут дараҳтларини қаламчасидан кўпайтириш усули ишлаб чиқилган. Мәзкур усул тут дараҳтининг ҳамма навларини осонлик билан кўпайтириш имконини беради. Бунинг учун қуидаги усуллардан фойдаланилади:

— тут дараҳтларини баргли қаламчаларидан кўпайтириш;

— тут дараҳтларини ёғочлашган баргиз қаламчаларидан ўстирув моддалари ва электр иситгичлар қўллаш билан кўпайтириш.

Тут дараҳтларининг биологик хусусиятлари уларни уруғларидан ва вегетатив йўл билан кўпайтириш имконини беради. Бошқа томондан олганда тут дараҳтларидан ипак қуртларини боқиши мақсадида асрлар оша доимий равишда кесиб фойдаланиш натижасида тутларда тезда тикланиш хусусиятлари пайдо бўлди.

Тут дараҳтларини вегетатив йўл билан кўпайтиришда пайвандлаш пархиш қилиш ва қаламчасидан кўпайтириш усулларидан фойдаланилади. Лекин тут дараҳтларининг биологик хусусиятлари келтирилган учта усул билан уларни осонликча кўпайтириш имконини беравермайди.

Тут кўчатлари ёпиқ жойда ўстирилганда унинг агротехникии анча мураккаблашиб ва бунинг устига ўз илдизига эга бўлган кўчат етишириш анча қимматга тушади.

Тут дараҳтларини қаламчасидан экиб кўпайтириш

ниебатан яғынан усул саналади. Тутниң қийин илдиз оладиган турлариниң қаламчаларидан күпайтириш усуудлары күп. Аммо қаламчалар учун мұтадил ҳарорат, намылкі ва аэрация шаронтларини яратын керак. Тутчиликда баргли қаламчалар парникларда ёки полиэтилен пардалар остида үстирилсе ёғочлашган баргсиз қаламчалари очық ерда үстирилади.

Тут дараҳтларининг ёғочлашган баргсиз қаламчалариниң очық ерда илдиз олдириш энг оддий ва иқтисодий жиһатдан арзона тушадиган усууллардан ҳисобланади. Чунки бир йылда ўз илдизнің эга бўлган экиш материалларини (кўчат) етишириб, улардан қисқа вақт ичиде озиқ берувчи (қаторлаб экиладиган) тут дараҳтлари ва бута тутзорлар барпо этиш мумкин.

### Очиқ ерда ёғочлашган баргсиз қаламчалардан тут дараҳтлариниң күпайтириш

Тут дараҳти қийин илдиз оладиган ўсимликдир. Шунга кўра қаламчаларининг илдиз олиши тут дараҳтларининг тур таркиби ва навдорлик хусусиятларига, она ўсимликлариниң ёши ва уларниң физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Тут қаламчалари. Қаламчалар ўсимликнинг ер ўстки новдаларидан (ёғочлашган ва яшил) олиниши мумкин. Тутниң ёғочлашган қаламчалари, одатда, бир йиллик новдалардан тайёрланади. Улар ўсишни анча олдин тутатган ва тўқималари яхши етилган бўлади. Кўпгина ўсимлик турлари ўсув жараёнида шаклланадиган бош илдизига эга бўлади.

Регенерация (қайта тикланиш) жараёни қаламча учун кесиладиган новдаларининг ўсиш тезлиги ва унинг давомийлигини белгилайди. Бунда қаламчани экиш муддати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, илдиз олиш жараёнида қаламчаларининг етилганилиги, уларниң физиологик ҳолати ва тўқималариниң ёши муҳим роль ўйнайди. Бу билан ўсимликнинг қайта тез тикланиш хусусиятига эга бўлган турларини ташлаш ва уларни күпайтириш имкониятига эга бўлинади. Қаламчаларининг муваффақиятли илдиз олишини, асосан, қаламчалариниң ва тайёрланган она ўсимликнинг ёши белгилайди.

Қаламчалар ёш дараҳтлардан тайёрланганида, уларниң илдиз олиши яхши борали. Буни уч ёшли бута-

тутдан тайёрланган қаламчаларнинг илдиз олиши 77,0 фоизни, түқкіз ёшли баланд танали тутлардан тайёрланган қаламчаларнинг илдиз олиши эса 49 фоизни ташкил этганинда яққол күриш мүмкін.

Она үсимликтің турли қисмларидан олинган қаламчаларда илдиз олиш жараған түрлича боради. Новдаларнинг турли қисмларидан олинган қаламчаларнинг илдиз олиши шу новдаларнинг ёғочлашганлик даражасыга боғлиқдір. Мавсумда ўсув даври охирида новдаларнинг узунлиғи бүйічә етилғанлик даражасы ва уларда озиқ моддаларнинг яхши (күпроқ) түпланиши катта ажамият касб этади. Күзде, одатда, тут новдаларнинг уч қисми түлиқ етилмаган бўлади. Улар анча ингичка бўлиб, новданинг ўрта ва пастки қисмидагига қараганда керакли (запас) озиқ моддалар кам түпланади. Шунингдек, новдаларнинг уч қисми нисбатан нимжон бўлиб, очиқ ерда ноқул шароитларга бардош бера олмайди. Шунинг учун ҳам новдаларнинг учки қисмидан тайёрланган қаламчаларда илдиз олиш даражаси паст бўлади.

Еш дурагай ниҳолчалардан тайёрланадиган қаламчаларнинг илдиз олиши енгил боради. Кўпчилик тут даражатларида, шу жумладан катта ёшдаги тут даражатларидан олинган қаламчаларни қайта қаламча қилиб экиш йўли билан ҳам осон илдиз оладиган үсимлик авлодини (клон) яратиш мүмкін. Лекин шунга қарамай ёш дурагай үсимликларни қаламча қилиб кўпайтириш катта ёшдаги үсимликларни қаламча қилиб кўпайтиришга нисбатан осон боради, илдиз олиш даражаси юқори бўлади.

Үсимлик жинсининг қаламчалар илдиз олишига таъсири. Она үсимликтан олинган қаламчаларнинг, чангчи эркак үсимликтан олинганига нисбатан кесилган жойларининг битиб кетиши ва илдиз олиш қобилияти юқори бўлади. Лекин эркак (чангчи) үсимликтан қаламча қилиб тайёрланган экиш материали қимматлироқ ҳисобланади, чунки ана шундай даражатларнинг барглари билан боқилган ипак құртларининг қуртлик даври қисқаради ва палласининг оғирлиги 1—7 фоизга ортади (И. П. Грибина, 1962).

Үсимликларнинг ўсишидаги икки қутблilik (поларность) ва ўзаро боғлиқлик. Табиийки, қаламча пастки учидан илдиз отади. Юқоридаги учидан эса қуртаклари бўртиб чиқади (Н. П. Кренке, 1940). Қаламчалар

ётқизиб экилгандан, асосий илдизлар қаламчанинг базаль (пастки) қисмидә ҳосил бўлади, яъни бунда узунасига қутблилик кузатилади. Лекин қаламчанинг ер устки қисми (куртаги) униб, ер юзасига чиққунча тупроқда сақланганлиги учун ҳам уларда кўндалангига қутблилик кузатилади. Шунга кўра қаламчанинг юқори қисмидә қуртаклар ривожланса, пастки қисмидә қаламчанинг узунлиги бўйлаб илдизлари ривожланади. Қаламчалар қия қилиб ўтказилгандан узунасига қутблилик таъсир кучи устун келади ва илдиз тизими қаламчанинг кесилган пастки қисмидан ўсиб чиқади.

Новданинг юқориги ва пастки қисмидаги қутблилик фарқи уларнинг ҳалқа шаклида кесилган жойида кучайди. Қаламчанинг ана шу кесилган жойида озиқ моддаларнинг ушланиб қолишини уларнинг оралиғ қисмидаги қутблилигини кучайтиради. Ҳалқаланган қаламча шундай қилиб кесилиши керакки, бунда кесим ҳалқаланиш натижасида қаламчанинг шишган жойи тагидан ўтиши керак, чунки озиқ моддалар қаламчанинг пастки томонига силжиб кесилган жойида тўпланиши туфайли илдиз олиш даражаси ошади. Асосий ривожланган илдиз қаламчанинг пастки қисмидә, яъни ҳалқа қилиб кесилган ва озиқ моддалар тўплланган томонида ҳосил бўлади.

Қаламча тайёрланадиган она тупда қолдириладиган асосий бир йиллик новдаларни ҳалқалашдан олдин нимжонларини олиб ташлаш ўсимликнинг ер устки қисми билан ер ости қисми ўртасидаги ўзаро (корреляцион) боғланишини бузади. Натижада озиқ моддалар илдиз тизими орқали ўсимликнинг ер устки қисми томон силжиб боради. Ҳалқаланган новдаларнинг жадал ўсиши ва кучли ассимиляция қилиш қобилияти новданинг ҳалқага имкон беради. Қаламчадан илдиз олган бута тупларида ўсув даври жараёнида кучли илдизлар ҳосил бўлади ва келаси йили тут дараҳтидан фойдаланилгандан кейин янада кучлироқ ривожланган илдиз тизимининг корреляцион боғлиқликлиги натижасида ўсимликнинг ер устки қисми тез қайта тикланади. Бунда куртаклар яхши ўсади ва улардан кўплаб етилган бақувват новдалар ривожланади.

Тутининг ёғочлашган қаламчаларини тайёрлаш муддатлари қаламчаларда илдиз ҳосил қилиш учун жуда муҳимдир, у уларни умумий физиологик ҳолат ва пластик модда тўплаш билан боғлайди. Чунки қаламчалар-

нинг қанчалик илдиз олини билвосита ана шуларга бөглиқ бўлади.

Еғочлашган тут қаламчаларининг ғивожланиши иқлим шароити билан узвий боғлиқдир. Бунда ўсимлик танааси ва илдизларидағи ортиқча (запас) озиқ моддалар, шунингдек, уларнинг таркибида сувининг мавсум давомида ўзгариб туриши катта эътиборга лойиқ. Бу борада К. Раҳмонбердининг (1954) қаламча тайёрлаш муддатларини (куз, қишлоғ, эрта баҳор ва баҳор фасли охириларида) ўрганиш устидаги кузатишларини мисол қилиб келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида айтилган муддатларда тайёрланган қаламчалар ер етилиши билан экилганда уларнинг илдиз олиши ҳар хил бўлди. Февраль ойи охириларида баҳор об-ҳавоси келишига қараб тут дараҳтларида шира ҳаракати бошланади. Февралнинг охири ва март ойи бошларидан тайёрланган қаламчалар экишга тайёр қилинган куни ўтқазилганида шу нарса маълум бўлди, уларнинг илдиз олиш даражаси бошқа муддатларда тайёрланган қаламчаларнинг илдиз олишига нисбатан энг юқори бўлди.

Қаламчаларни экиш олдидан кўмиб қўйиш. Баҳорнинг келишига қараб феврал ойининг охири, март ойининг биринчи ўн кунлигида қаламча тайёрланадиган она тутзордан бир йиллик новдалар қирқиб олинади. Улар очиқ ерга ўтқазилгунга қадар 3—4 ҳафта давомида нам тупроққа 50—60 см чуқурликда кўмиб сақланади (М. Хибимов, 1979).

Бу қаламчаларни тупроқда мўътадил ҳарорат ва ҳаво шароити вужудга келиши билан ўтқазиш имконини беради.

Кузатишлар кўмиб қўйилган қаламчалар таркибидаги намлик, улар ўтқазилган куни тайёрланган қаламчалар таркибидаги намлика нисбатан 2% га ошганлигини кўрсатди.

Мазкур усул очиқ ерда ўстирилган қаламчаларининг ғивожланишини 4—7 кунга тезлаштиради.

Кўмиб қўйилган қаламчалар таркибидаги сув миқдори ҳам ортади. Ана шу муддат давомида қаламчаларда қадоқлар ҳосил бўлади ва қисман куртаклари бўрта бошлайди. Куртаклари бўрта бошлаган қаламчаларни ўтқазиш уларга нисбатан мунтазам парвариш ишларини олиб боришини, чунончи сув режими ва аэрацияни таъминлашини талаб этади. Кесслиган қаламчалар нам тупроққа кўмиб қўйилмасларидан олдин дастлабки кунлари

тупроқнинг иамиқишига уичалик талабчан бўлмайдилар, чунки улар ҳали тиним даврида бўладилар. Қаламчаларни очиқ ерга ўтқазиш олдидан нам тупроқка кўмиб қўйишдан мақсад, баҳорда кунларнинг иенини натижасида она ўсимликда шира ҳаракати бошланади, лекин бу вақтда тупроқ ҳали қаламчаларни экиш учун тайёр бўлмайди.

Қаламчаларни экиш муддатлари қаламчаларда илдиз ҳосил қилиш жараёни жадаллигига сезиларли даражада таъсир этади. Чунончи кузда ўтқазилган қаламчалар кўкламгача тиним ҳолатида бўладилар. Ана шу даврда тупроқ ҳарорати қаламчаларда қадоқларнинг ҳосил бўлиши ва илдиз отиш учун талаб этилган даражада бўлмайди. Демак, кузда ўтқазиладиган қаламчалар тўлиқ ёғочлашган ҳолатда бўлиши ва улардаги озиқ моддалар қиши давомидаги ҳаёт фаолияти учун старли даражада бўлиши лозим.

Қаламчаларнинг илдизлари маълум бир тупроқ ҳарорати ва ҳаво режимида ҳосил бўла бошлайди. Қаламчаларни муддатидан жуда эрта ўтқазиш юқорида қайд этилган жараёнларнинг сустлашишига олиб келади. Қаламчалар кечки муддатларда (май ойида) ўтқазилганда бу жараёнлар жадал боради. Эрта баҳорги ўтқазишда қаламчаларда қадоқлар 20 кун ичида, кеч баҳорги ўтқазишда эса 9—10 кунда ҳосил бўлади. Мазкур ҳолда қаламчаларда қадоқларнинг ҳосил бўлиши ва илдиз тизминнинг ривожланиши об-ҳаво шароитларига боғлиқ. Қаламчаларда қадоқлар ва илдизларнинг ҳосил бўлиши тупроқ ҳарорати 18—20°C бўлганда рўй беради.

Қаламчаларни экиш усуслари. Тут дарахтларнини қаламчасидан ўстиришда тупроқнинг ҳаво алмашиниши шароитининг яхши бўлиши учун қаламчаларни экиш усуслари ва техникаси муҳим аҳамиятга эгадир. Зич тупроқда қаламчаларнинг пастки учи юмшоқ тупроқдагига иисбатан ер юзасига яқин бўлиши керак, чунки ер устки катламида аэрация шароити бирмуича яхши бўлади. Қаламчаларни ўтқазиш чуқурлиги мазкур ўсимликни ўстириш зонаси тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Қаттиқ ва нам тупроқларда қаламчалар юзароқ қилиб қия ҳолатда ўтқазилади. Қурғоқчил туманларда тупроқнинг чуқур қатламларига қадар қуриб қолиши туфайли қаламчалар бирмуича чуқурроқ қилиб ўтқазилади. Қаламчалар иккиси усуlda: ётиқ ҳолатда ва қия қилиб экилади. Қаламча-

ларни қайсі үсулда әкилиши үларнинг үзүнлігига бөлік бўлади.

**Қаламчалар узунлиги.** Қаламчаларнинг керакли озиқ моддалар билан таъмниланғанлиги ва пастки (қуйи) қисмидаги ҳаво алмашиниши шароитлари үларнинг ўлчамига боғлиқдир. Қия қилиб ўтқазиладиган қаламчалар 15—20 см үзун қилиб тайёрланган қаламчалар әкилса, у ҳолда тупроқдаги ҳаво алмашиниши шароити нисбатан ёмонлашади ва ҳароратнинг пастлиги сабабли қаламчаларнинг илдиз ҳосил қилиш жараёни яхши бормайди.

Лекин қаламчаларнинг калта қилиб тайёрланниши ҳам үларнинг ривожланнишига салбий таъсир қиласи, чунки бу чуқурликдаги тупроқда нам етарли бўлмайди. Шунинг учун қаламчалар әкилиш үсулига қараб керакли узунликда тайёрланниши керак.

Қаламчаларни қия қилиб әкишда  $45^{\circ}$  бурчак остида ер бетида битта куртак қолдириб ўтқазилади. Қаламчалар  $45^{\circ}$  остида ўтқазиладиган бўлса, үларни қозиқча ёрдамида әкиш мумкин. Бундай пайтларда кетмоңдан фойдаланган маъқул. Қаламчалар кетмоң ёрдамида ўтқазилганида үлар тупроқда яхши жойлашади меҳнат унумдорлиги эса юқори бўлади. Қия ҳолатда ўтқазилган қаламчаларнинг илдиз тизимлари кесилган пастки қисмларида, айрим ҳолларда эса куртаклари ёнида шаклланади. Қаламчалар чуқур қилиб ўтқазилганида үларда илдизларнинг ҳосил бўлиши жараёни узоқ давом этади ва оқибатда илдизлар куртак ёнида шаклана бошлайди. Чуқур тупроқнинг чуқур қатламларида ҳаво алмашкиш жараёнининг ёмон бўлиши ва ҳароратнинг пастлиги туфайли қаламчаларнинг кесилган пастки қисмida қадоқларнинг ҳосил бўлиши ушланиб қолади. Натижада қисқа вақт ичида үларнинг ер устки қисмлари қуриб қолади. Адвентив илдизлар шакллангандан сўнггиша тупроқ остидаги куртаклардан янги новдалар ўсиб чиқади. Шундай қилиб, битта қаламчадан битта ўсимлик ривожланади.

Қия қилиб ўтқазилган қаламчалардан биринчи йили узунлиги 70—100 см бўлган кучли ривожланган илдизлар ҳосил бўлади. Қаламчаларнинг кесилган пастки қисмida 2—3 та асосий илдизлар шаклланиб, үларда 20 дан 40 тагача ён илдизчалар ҳосил бўлади. Қаламчаларда куртаклар ривожланиб янги новда

ва илдиз ҳосил қилғунча вақт жиҳатидан узилиш содир бўлади. Қаламчаларни очиқ ерда ўстиришида уларнинг нобуд бўлиш сабаби ҳам ана шунида.

Қаламчалар пушталар устига 5—8 см чуқурликда (агар қумоқ тупроқ бўлса 8—12 см) ётиқ ҳолатда жойлаштирилганда илдизларнинг ҳосил бўлиши қарийб ўсимликнинг ер устки қисмининг ривожланиши билан бир вақтда содир бўлади. Бундай ҳолатда куртаклар тупроқ остида бўлганлиги сабабли уларга ёргулик тушиб майди ҳамда тупроқ ҳарорати иисбатан наст бўлганлигидан ривожланислари сустлашади ва шу туфайли қаламчалардан ёш ниҳоллари (ер бетига) илдизлар ҳосил қила бошлагандан униб чиқа бошлайди. Шунга кўра ўсув даврининг охирларида қаламчаларнинг тўлиқ (кўкариш) тутиб кетиш даражаси ортади ва етиширилган кўчатлар сони экилган қаламчаларга иисбатан кўпаяди.

Бу ерда қаламчаларнинг илдиз олиши ва унинг ер устки қисмларининг ривожланиши учун бирмунча қулай тупроқ шароити вужудга келади. Қаламчалар пуштанинг ўртасига жойлаштирилганда қатор ораларига ишлов беришни механизациялаштириш мумкин бўлади, даланинг агротехника ҳолати яхшиланади ва қаламчадан ўстирилаётган ўсимликка кетадиган харажатлар камаяди. Қаламчаларнинг илдиз олиши 10 фоизгача, куртакларнинг униб чиқиши эса 35 фоиз ортади. Бунда қаламчалар ўтқазиладиган эгатларни шимолдан жанубга томон қаратиш қўёш ҳароратидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Қаламчаларни ётиқ (горизонтал) ҳолатда ўтқазиша уларнинг узунлиги 30—40 см бўлиши керак. Бунда кўп миқдорда озиқ моддалар запасига эга бўлган бақувват ва ноқулай шароитларга чидамли қаламчалар олинади. Илдиз олган қаламчаларнинг илдиз тизими ва новдалари кучли ривожланади. Бундан ташқари, кўчатларни кўпайтириш самарадорлиги (коэффициенти) ортади, чунки битта қаламчадан кўпинча бир неча ўз илдизнiga эга бўлган ўсимликлар ривожланади. Демак, қаламчалар 30—40 см узунликда тайёрланса, уларнинг илдиз олиш даражаси жуда юқори бўлади.

Экилган қаламчаларда қадоқ (калиус) ҳосил бўлиши. Қаламчалар ўтқазилгандан 20 кун ўтгач, уларда куртакларнинг бўрта бошлиши яхши ҳолат ҳисобланади. Қаламчаларнинг кеси́лган пастки қисмида қадоқ (калиус) 10—15 кун ичида ҳосил бўла бошлайди. Бу

хилдаги қадоқлар дастлаб ётиқ ҳолатда жойлаштирилган қаламчаларда, сүнгра 15 ва 30 см узунликда тайёрланиб, қия қилиб ўтқазилган қаламчаларда пайдо бўлади. Қадоқлар ҳосил бўлгунча, одатда, (таксинан) 20 кун вақт ўтади. Қадоқларнинг шаклланиши ва ривожланиши тупроқ ҳароратига, ҳавонинг меъёрида мўътадил алмашиниб туришига боғлиқ. Бундай зарур ҳарорат қаламчанинг кесилган пастки қисмида яратилиши керак. Қаламчалар кузда ёки эрта баҳорда ўтқазилганида, тупроқ ҳарорати  $10-15^{\circ}\text{C}$  дан ошмайди, натижада қаламчаларда қадоқнинг ҳосил бўлиши узоқ ўзилади. Унчалик чуқур қилмасдан ётиқ ҳолатда ўтқазилган қаламчалар учун тупроқ намидан ташқари яхши ҳаво алмашиниш (аэрация) шаронти вужудга келади. Унга юқори ҳарорат ( $25-30^{\circ}$ ) яхши таъсир этади. Қадоқлар 9—10 кун ичida ҳосил бўлади.

Қадоқнинг ҳосил бўлиши қаламчанинг кесилган жойининг яхши битиб кетишига ва меристема ҳужайраларининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳалқаланган қаламчалар тупроққа ўтқазилганда унчалик катта бўлмаган қадоқ ҳосил қиласди (1-расм). Қаламчанинг ҳалқаланган қисмида тўплланган озиқ моддалар ҳисобига кучли илдизларнинг ривожланиш жараёни бошланади. Бу хилдаги қаламчалар ноқулай шароитларга чидамли бўлиб, кейинчалик улардан илдиз ва новдалар ривожланади.

Қаламча олинадиган она тутзорда бир йиллик новдаларни ҳалқалаш ўта муҳим бўлиб, бу ҳол қаламчаларнинг илдиз олиш хусусиятларини оширади. Ассимилянтларнинг тўпланиш жадаллиги, уларнинг бутун ўсув даври мобайнидаги ҳаракати ҳалқалаш муддатига боғлиқ бўлади. Бунда қаламчаларнинг илдиз олиш даражаси, 71,0—98,0 фоизни ташкил этади. Ўсув даврининг охирига келиб чиқарган илдизлари сони 30—35 тага этади.

Одатда қаламчанинг томирлари (ингичка илдизларнинг қисмида шаклланади (2-расм). Бу хилдаги асосий илдизлар қаламчанинг бутун узунаси бўйлаб жойди. Бунда энг кучли илдизлар қаламчанинг пастки керивожланади, кейинчалик ундан кўп сонли ён илдизчаларга шохланиб кетган асосий илдиз шаклланади. Илдизларнинг ҳосил бўлиши қаламчанинг қадоқ ҳосил (қилган ва куртаклари ўса бошлаган жойида ўй берари) дастлаб унинг пастки қисмидан ингичка ипсизмон

лашган куртакларидан ривожлангаётган новдаларни озиқ моддалар билан таъминлайди. Қаламчалар кўплаб новдалар ҳосил қылгай пайтларда қўшимча (адвентив) илдизлар ҳам унинг асосидан ривожланади. Озиқ моддалар билан кам таъминланган нимжон қаламчаларда илдиз ҳосил бўлишишиниг суст бориши натижасида пайдо бўлган янги новдалар қуриб қолади. Лекин бу новдалар қаламчалари илдиз тизими яхши ривожлангандан кейин ҳётчанлик қобилиятини иккинчи марта қайтадан тиклаши мумкин.

Қаламчалар ер устки қисмларининг ўсиши илдиз тизимининг ривожланиши билан ўзаро боғлиқdir. Кўплаб куртаклари ривожланган қаламчанинг пастки қисмида ҳосил бўлган илдиз тизими новдаларни ҳамма вақт ҳам озиқ моддалар билан тўлиқ таъминлай олмайди. Бунда айрим новдалар қуриб қолади. Бу эса ўз илдизга эга бўлган кўчатларни олиш даражасига таъсир кўрсатади. Бунда илдиз чиқармай чиқуттара чиқсан қаламчалар ётиқ ҳолда ўтқазилганда 17—22% ни, қия қилиб ўтқазилганда эса 32—50% ни ташкил этди.

Кўчатларининг ўсиб чиқишига қараб, ётиқ ҳолатда ўтқазилган қаламчалардан унган куртакларини аниқлаш мумкин (3-расм).

Новданинг пастки қисмидан кесиб тайёрланган қаламчалар йўғон бўлиб, кўпинча ўсиш учун асосан учтўртта қўлтиқ куртакларигина киришади. Баъзан қўлтиқ куртак билан ёнма-ён жойлашган куртакдан ҳам новдалар ўса бошлиши мумкин. Бу эса кейинчалик битта бўғимдан қўшалоқ ёки учталаб новданинг ривожланишига олиб келади. Новданинг ўрта қисмидан тайёрланган қаламчаларда кўпинча битта бўғим оралатиб ёки иккита бўғим оралатиб жойлашган куртаклари уна бошлиди. Новданинг уч қисмидан тайёрланган ингичка қаламчаларда одатда битта, камдан-кам ҳолда бир нечта куртаги унади. Лекин новданинг пастки ва ўрта қисмидан қирқиб тайёрланган қаламчалариниг илдиз олиши сезилмайдиган даражада фарқ қиласди.

Шунингдек, новданинг пастки ва ўрта қисмидан тайёрланган қаламчалардан етиштирилган кўчатлар йилнинг охирига бориб кўрсаткичлари бўйича бир-бираидан жуда кам фарқ қиласди. Лекин новданинг учки қисмидан тайёрланган қаламчалариниг ўсиши олдинги қаламчалардан ўсган кўчатлар сезиларли даражада

орқада қолади. Амалда эса новданинг ҳамма қисмидан тайёрланган қаламчалар тутни вегетатив йўл билан кўнайтириш учун ярайди.

Уз илдизига эга бўлган ўсимликлар қаламчасидан ўстирилганда она дарахт наслига хос бўлган ҳамма морфологик хусусиятлари унга тўлиқ ўтади. Чунончи, ён новдалар чиқармайдиган тут навларидан ўсув даврида ён новдалар ҳосил бўлмайди. Ён новда чиқариш хусусиятига эга бўлган тут навларидан етиштирилган ўсимликлар кўп миқдорда ён новдалар чиқариб, бута кўрининиши ҳосил қиласди. Энг кўп миқдорда ён новдалар чиқарадиган ўсимлик эркин чангланган дурагай тутдир.

Илдиз ҳосил қилиш анатомияси. Дастрлабки ингичка илдизларини чиқариш билан қаламча сиртида сарин рангдаги ўсимталар ҳосил бўлади. Бу ўсимталар қаламча бўйлаб аста-секин тарқалади ва у қўнғир тусдан тиниқ қизил рангга ўтади. Иккинчи йили камбий тўқимаси йиллик ҳалқаларни ҳосил қилиши туфайли қаламча тезда йўғонлаша боради. Ётиқ (горизонтал) ҳолда жойлаштирилган қаламчанинг ости қисмидаги иккинчи йили тўпланган ёғочлилиги тупроққа кенг ярим ҳалқа шаклида кириб бориб, тупроқнинг устки томонига қараб эса энсизланиб боради: қаламчанинг кенг қисмидаги унинг кенглиги 2 см дан устки томонида 3 мм дан ошмайди. Пўстлоғининг қалинлиги эса ҳалқа бўйлаб бир текисда бўлади.

Иккинчи йили қаламчалар пастки ва устки томонларининг ёғочлилик даражаларидаги фарқ уларнинг тузилишларида ҳам акс этади. Чунончи қаламчанинг пастки кенг ярим ҳалқа қисмидаги найлари кўп бўлиб, улар йирик, радиал нурлари энли, ҳужайра қобиқлари эса юпқа бўлади. Камбий фаоллиги ҳам ўзгаради. Қаламчанинг пастки томонида у кучли ёғочлилик қаватини ҳосил қиласди ва радиал нурлари ҳам қаламчанинг устки қисмидагига қараганда яхши бўлади. Бирмунча қалин қаватга эга бўлган ёғочлилик қаламчанинг пастки қисмини сув билан яхши таъминлайди ва озик молдаларни старли миқдорда етказиб беради. Булар қаламчаларининг илдизи яхши ривожланиши учун имконият яратади.

Илдизлар қаламчаларда ривожланаётган новдаларнинг қарама-қарши томонида жойлашган камбий қаватидан эндоген ҳолатда шаклланади. Бунда дастлаб 7-

10 тагача ингичка иисимон томирлар (ингичка илдизлар) ҳосил бўлиб, улар тиниқ сариқ рангда бўладилар. Кеийинчалик эса фақат 2—4 та энг кучли илдизларигина ривожланади.

Турли хил иқлим шароитидаги туманлар учун тут дараҳтларини қаламча қилиб етиширишинг ўзига хос агротехника усуллари бор. Масалан, Тошкент вилоятида қаламчаларни экиш муддати март ойи, Сурхондарё вилояти учун феврал ойининг бошлари ҳисобланади.

Тутниң ёғочлашган қаламчаларини ўстириш агротехникаси. Қаламчалар ўтқазиладиган майдон текис, атрофлари очиқ ва суғориш шаҳобчасига яқин бўлиши лозим. Олинган эгатлар тупроғи эса майда кесакли бўлиши керак. Агарда қаламчалар маҳсус кўчатзор бўлимида етиширилса, қатор оралари 70 см ва пуштанинг баландлиги 30—35 см қилиб олинади. Қаламчалардан бута-тутзорлар барпо қилишда қатор оралари 4 м, қаламчалар оралиғи эса 0,5 м қилиб (бунга қаламчанинг эгаллаган узулилги ҳам киради) олинади. Қаламчаларни ўтқазишдан 2—3 кун олдин участкада текширув (суғориш ва эгатларни тузатиш) ишлари амалга оширилади.

Ҳалқаланган новдалардан қаламчалар тайёрлашда улар ток қайчи ёрдамида ҳалқа тагидан қирқилади. Қаламчаларни ўтқазиш олдидан уларнинг учлари ток қайчи ёрдамида  $45^{\circ}$  бурчак ҳосил қилган ҳолда силлиқ қилиб қирқилади. Бу қаламчаларда қадоқларнинг жадал ҳосил бўлишини таъминлайди. Лекин қаламчаларни ўткир болта билан кесиш янада яхши натижা беради. Ҳалқаланган новдалар тўнка устига қўйилиб, унинг остки ҳалқасининг пасти (таги) дан кесилади. Ана шу усулини қўллаш билан ишлаш унумини бир ярим-иккӣ баравар ошириш мумкин.

Тут қаламчалари экилганидан кейин пушта усти қипиқ билан ёпилади. Бу тадбир қаламчалар ётиқ ҳолатда экилганида яхши натижা беради. Қаламчалар илдиз тизимишинг ривожланишини жадаллаштириш учун тегишли агротехника тадбирларини белгилаш керак бўлади. Масалан, қаламчалар экилгандан кейин 30—40 кун ўтгач навбатдаги суғоришдан сўнг қатор ораларини тез-тез юмшатиб турish тупроқда ҳаво алмашинишини яхши кечишини таъминлайди. Қаламчаларнинг илдиз олиш қисмидаги тупроқ муҳитини яхшилаш билан қаламчаларнинг илдиз тизими ва тупроқ ўртаси-

даги ўзаро боғлиқлик ўзгаради. Бунда илдиз тизими-нинг ривожланиши жадаллашади. Ўсимликинг ҳарорат, сув ба бошқа ташқи муҳит омиллари билан тўлиқ таъминланиши илдизларнинг ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Қаламчалар экилгандан кейин сугориш тартиби иккι даврга бўлинади: қаламчаларда илдиз тизими ҳосил бўлгунча ўтган давр ва илдиз тизими ҳосил бўлгандан кейинги давр. Дастребаки давр қаламчаларда узунлиги бўйлаб керакли мўътадил намликин вужудга келтиришдир. Бу илдиз ҳосил қилишни таъминлайди. Қаламчаларни сугориш уларни эккандан кейин оқ амалга оширилиб, 30—40 кун давомида пуштанинг устки қисмигача тупроғи мунтазам равишда нам ҳолда сақланади. Иккинчи даврда әгатлар тупроғининг қуришига қараб сугориш ўтказилади, ўсув даври мобайнида қаламчалар 18—20 марта сугорилади.

Қаламчаларнинг илдиз олгунга қадар ҳисобга олинидиган сугориш меъёри гектарига 500—700 м<sup>3</sup> бўлиши керак. Әгатларнинг тупроғи унинг мутлоқ қуруқ массасига нисбатан 19—21 фоиз намлика сақланади.

### Еғочлашган қаламчалар тайёрланадиган она тутзор

Қаламчасидан кўпайтириладиган тут навларининг қанчалик истиқболлилиги масаласини ҳал қилишда уларнинг илдиз олиш даражаси хусусиятлари ва хоссаларини билиш керак. Тут навлари қайси усул билан яратилишидан қатъий назар улар одатда вегетатив йўл билан кўпайтириш имконини бериши, шунингдек, ипак куртларини боқиши учун доимий равишда кесиб турилиши ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши билан қийматли саналади.

Буни деярли ҳамма тут навларидаги новдаларининг (регенераторларнинг) кучли даражада ўсишидан кўриш мумкини, Синалаётган навнинг илдиз олишидан ҳам унинг қанчалик қийматлигини билиш мумкин. Плоидлиги бўйича оладиган бўлсак АР-28 нави диплоидли, ЗР-42 нави триплоидли ва 4Р-56 нави тетроплоидли саналади. Булар дурагайлаш йўли билан етиширилган, узоқ турларни дурагайлаш ва турларни мураккаб йўл билан ўзаро дурагайлаш орқали етиширилган нав-

лардир. Кейинги йилларда дурагайлаш йўли билан олингани янги навлар қаламчалаш йўли билан етишириш учун истиқболли ҳисобланади. Тут уруғларини гамма нурларида нурлантариш билан олинган ва қаламчалаш билан етиширишига қобилиятли навлар гуруҳининг аҳамияти катта. Вегетатив йўл билан етиширилган селекцион навлар, шу жумладан, маҳаллий тут навлари ҳам қимматлиди. Шунга кўра, тут навларига баҳо беринида уларнинг ёғочлашгани қаламчаларини очиқ ерга ўтқазиб етиширишда илдиз олиш қобилияти билан бир вақтда навининг келиб чиқиш хусусиятлари ҳамда хоссаларини инобатга олиш керак бўлади.

Қаламчалар тайёрлаш учун бута шаклидаги она тутзорлар ўз илдизига эга бўлган, клон йўли билан кўпайтирилган, районлаштирилган навлар ва дурагай тутлардан тайёрланган қаламчаларни экиш йўли билан барно этилади.

Тур таркиби: *M. alba* Linn, *Mmulticaulis* Perr, *M. Kadavamae* Koïdt, *M. bombycis* Koïdt.

Нав таркиби: САНИИШ-5, «Кокусо-70», «Мурасаки-васе», «Победа», «Балхи тут», «Қатлама», Тожикистонининг баланд тогли маҳаллий тутлари.

Ўз илдизига эга бўлган ота-она жуфтларидан дурагай ўсимликнинг ижобий хусусиятларини асосан биринчи насл ўсимликнинг константлиги ва бутов (яхлит) Барг берини бўйича устунлик қилувчи морфологик кўрсаткичлар белгилайди.

Ўз илдизига эга бўлган дурагай тутларни қаламчадан кўпайтириш ишлари бутун ва йирик барглари билан ажралиб турадиган, новдалари тўғри ўсадиган ниҳолларни танлашдан бошланади. Бундай танланган ниҳоллар  $0,25 \times 0,70$  м ли схема бўйича жойлаштирилади. Ўсимликни қайтадан қаламчалаш учун ҳар йилни уларнинг бир йиллик новдалари тупроқ сатҳи баландлигига кесиб турилади.

Дастлабки вегетатив генерацияни навбати билан қаламчалаш орқали навбатдаги ўсимлик насли олинади. Ўз илдизига эга бўлган ўсимликни кейинчалик қаламчасидан кўпайтириш билан илдиз олишда юқори кўрсаткичлар берадиган экиш материаллари олинади.

Тутларнинг қийин илдиз оладиган навларини қаламчасидан кўпайтиришда она дараҳтларнинг ёши ва уларнинг ҳолати катта аҳамиятга эгадир. Қаламчалар тайёрланадиган новдаларни ҳалқалашда ўсимликнинг

ҳанчалык үстендики ва бир йиллик новдаларининг  
египетлаги ҳисобга олинади.

Новдаларни ҳақалашга тайёрлаш. Ҳалқаланган  
новдалардан тайёрланган қаламчаларнинг илдиз оли-  
ши яхши боради. Ҳалқалаш жарабин новда пўстлоги-  
нике бир қисмини ҳалқа қилиб кесишдан ёки уни чи-  
змача билан тортиб боягашдан иборат бўлади. Мазкур  
усуд даражатининг пўстлоги орқали бараглари томонидан  
ишлаб чиқилган пластик муддаларни пастга қараб сиз-  
жид боришини тухтатишдан иборатdir. Кузатишларда  
ҳақалаш муддаларининг қаламчаларда қадоқлар-  
нинг ҳосил бўлишига ва новдаларнинг кейинги ўсиш  
давридаги ривожланишига кўрсатадиган таъсири ўр-  
ганидли. Ҳалқалаш муддати июл-август ойларига тў-  
ри келти. Ҳалқалашнинг мўътадил даражадаги муд-  
дати Тошкент вилояти ва Фарғона водийси учун 15  
юннан ё августгacha, Қашқадарё ва Сурхондарё вило-  
ятлари учун эса 1 дан 10 августгacha ҳисобланади.

Олиб борилган маҳсус тажрибаларда ҳалқалашни  
йтган били ўсиб чиқкан, яъни эрта баҳорда қирқилма-  
ган новдаларда барг ёзила бошлаган маҳалда апрел  
ойидаги ўтказилганда, ҳалқага кесилган жойнинг пастки  
қисмидаги жуда кучсиз қадоқ ҳосил бўлишилиги ёки бу  
хилдаги қадоқ умуман ҳосил бўлмаслиги аниқланди.  
Кейинчалик ҳалқаланган новдалар кесилган жойнинг  
аста-секкини ботиши ва унга ассимилянтларни етарли  
миқдорда келиб турмаслиги оқибатида ўсишдан қола-  
ди. Лекин уларда барг массасининг ортиб бориши ва  
ассимилянтларнинг келиб туриши билан кесилган жойи  
битиб кетади.

Май ва июн ойларида шу йил ўсиб чиқкан янги нов-  
даларда ҳалқалаш ўтказилганда, новдаларнинг бироз  
ёғочлашганилиги ва яхши ўсиши кузатилди. Бу эса улар-  
да ҳалқаланган жойнинг тез битишини ва қадоқ ҳосил  
қилиш билан бир вақтда ўсув жараёнларини жадал-  
лашибди, шунингдек, унга кўплаб ассимилянтларнинг  
оқиб келишини таъминлади.

Лекин новдаларнинг унчалик ўсмаганлиги унга биг-  
та-иқкитадан ортиқ ҳалқа солиши имконини бермайди.  
Натижада она тутзордан олинадиган қаламчалар сони  
жуда кам бўлади.

Июл ойининг ўрталаридан август ойининг ярмигача  
новдалар узунаси бўйича турли даражада ёғочлашган.  
Яхши ўстин ва бўйига анча чўзилган бўлади. Шунга

Күра узунлиги 1,5—2,0 м га борадиган бу хилдаги новдаларининг оралигини 30—40 см қилиб 4—5 тагача ҳалаш мумкин. Бу эса новдалардан қаламча тайёрлашда юқори самараға әришин имконини беради.

Сентябр ойига борганда тут новдаларининг ўсиши сусайди, уларда кучли ёғочланиш кузатилади ва барглари массаси ўсишдан тұхтай бошлайды. Шунга күра қадоқ ҳосил бўлиш жарағни секинлашади. Юқорида айтиб ўтилганидек ҳалқалашининг энг мувофиқ муддати 15 июлдан 5 августга қадар ҳисобланади. Ҳалқалаш бу муддатдан эртароқ ўтказилганда пўстлоқнинг юқориги ва настки кесилган жойлари битиб кетиши, аксинча, кепиқтириб ўтказиладиган бўлса, қадоқ ҳосил бўлиши жараёни сусайиб кетиши мумкин. Новдалар турли муддатларда ҳалқалашганда ҳалқанинг юқориги кесилган жойида тут навларига bogliq ҳолда ҳар хил даражадаги қадоқлар ҳосил бўлади.

Новдаларниң кейинчалик ўсиши ва уларда юқори даражада озиқ муддаларининг тўпланишини новданинг кесилган жойини қанчалик тез ва заарсиз битиши белгилайди. Қадоқ ҳосил бўлиш жараёнининг бориши уларининг қанчалик озиқ муддалар билан таъминланишига bogliq. Бунда ҳорорат, ёруғлик ва ҳаво намлиги катта аҳамиятга эга.

Тошкент вилояти шаронтида бир йиллик новдаларни ҳалқалашининг оптимал муддати биринчиси тут дараҳтларининг барқ уриб ривожланган пайти июл ойининг охирларига, иккинчиси эса август ойининг ўрталарига тўғри келади. Бунда ҳалқага кесиладиган новдалар озиқ муддалар билан етарли даражада таъминланади ва у ўсув даври давомида озиқ муддаларни ҳалқага тўплаш имконига эга бўлади.

Ҳалқалаш усули. Бир йиллик битта тут новдасидан 30—40 см узунликдаги 4—5 та қаламча тайёрланади. Бунинг учун бу хилдаги ҳар бир новдага 4—5 та ҳалқа солиниб, шундан биринчиси новданинг асосидан 3—4 см баландликда, кейингилари эса 30—40 см оралатиб қарама-қарши тарафидан ҳалқаланади. Ҳалқалаш қуйидагича бажарилади: ўткир пайванд пичоғ ёрдамида новданинг алланаси бўйлаб 4/3 қисмидаги пўстлоғи 1 см кенгликда кесиб ташланади (4-расм).

Тутларни қаламчасидан кўпайтириш самарадорлигини новдаларни кўп қаватли (погонали) ҳалқа қилиб тайёрлаш йўли билан ошириш мумкин. Бунда ҳалқа-

Қаламчаларидан етиштириладиган тут күчатларини стандартлаш. Давлат стандарти бўйича тут ниҳоллари ва күчатлари ДСТ 14335—69, 1/01—1970 йилдан кучга кирган дурагай ҳамда навдор (уланган, пайвандланган ва ўз илдизига эга бўлган) күчатларга бўлинади. Күчатлар ёши қуидаги тартибда ҳисобланади: пайванд күчат улангандан, уруғидан ўстирилган ниҳочалар күчатзорга ўтқазилгандан, қаламчаларни ва пархишдан кўпайтирилган күчатларни күчатзорнинг маҳсус бўлимига ўтқазилгандан бошлаб ҳисоб қилинади.

Қаламчаларидан етиштирилган, шох-шаббали күчатларни сифат кўрсаткичлари бўйича учта сортга ажратишида, уларни иккى ёшли шакллантирилган дурагай күчатларга Давлат стандарти бўйича қиёсланганда (ДСТ, назорат) қуидаги натижалар олинган, яъни тут қаламчасидан ўстирилаётган күчатзорнинг биринчи йилги бўлимидан З та асосий шохи бўлган 80 фоиз стандарт күчат олиш мумкин.

Күчатзорда күчатлар иккى йил давомида ўстирилгандага уларнинг ўлчами, йирик, шох-шаббаси олти каллакли бўлиб етишиб, гектар бошига олинадиган шох-шаббали күчат миқдори 100 фоизни ташкил этади. Қаламчасидан ўстирилган олти каллакли иккى поғонали иккى ёшли тут күчатларини сифат кўрсаткичлари бўйича сортга ажратганда, уларни иккى ёшли навдор күчатларга (пайванд) таққослаганда олинган натижаларни қуидаги 16-жадвалдан кўриш мумкин.

**Қаторлаб ўтқазилган тут дараҳтларининг ривожланиш судъъати**

Қаламчасидан ўстирилган, ўз илдизига эга бўлган күчатларни доимий ўсадиган жойига ўтқазиш ишларини ҳиллашадиган кавлаб олиш билан боғлиқдир.

Үз илдлинига эга бүлгэн иккى ётти туу күчтлариннig барг бершии (май)

Клон ва шаклланыш дара- жасы (бүрчүнүү ынып)	Күчтленинг бүйүү, см	Ер устки күчтленинг укумий огур- ларын, кг	Шох-шаббасининг огурларын, кг		Битта күбат- пинг огур- ларын, кг	Бир тул өспөмиктән яңкыккан барг- оғарларын, кг	Ер устки күсмийн ик- батан барг- чилик ша- хисобида
			Барглар- сыз ри, балан	Барглар- сыз			
САНИИШ-5х «Пионер» шох-шаббасы шакллан- ган	405,4	9,5	4,8	1,9	4,7	2900	3,6
шох-шаббасы шакллан- маган	371,5	7,3	3,4	1,2	3,9	2,200	30,6
стплаган, танаси ин- гичка күчтлар	296,0	2,4	1,4	0,5	1,0	0,800	37,5
«Кокусо»-70х «Пионер» шох-шаббасы шакллан- ган	414,0	9,4	4,9	1,9	4,5	3,000	31,9
шох-шаббасы, танаси стил- маган ингичка күчтлар	391,0 300,5	7,2 3,5	4,2 1,9	1,8 0,4	3,0 1,6	2,400 1,500	33,3 42,8

Қаламчасидан ўстирилган иккى ёшли тут күчатларини  
Давлат стандартти бўйича (14335—69) пайванд күчатларга  
тақдосланнатижалари

Кўрсаткичлар	Сортлар учун белгиланган мөъерлар					
	1 чи	%	2 чи	%	3 чи	%
Танасининг шох-шабба асосидаги йўғонлиги, камида мм: қаламчадан ўстирилган күчатлар	32,2	100	—	—	—	—
пайванд күчатлар давлат стандартти бўйича (назорат)	20,0	40,0	16	40,0	12	20,0
Танасининг узунлиги (илдиз бўгзидан шох-шаббага қадар) камида, мм: қаламчадан ўстирилган күчатлар	1200	—	1200	—	1200	—
Давлат стандартти бўйича (назорат)	1200	—	1200	—	1200	—

Кўчатлар ўтқазилгандан кейин тутиб кетиши ва уларнинг ривожланиши илдиз тизимининг тикланиши қобилияти билан ер устки ва ер ости қисмлари ўртасидаги ўзаро (корреляцион) муносабатга боғлиқ бўлади. Тутларни доимий ўсиш жойига ўтқазилган бир йиллик кўчатлари иккى йилликларидан ривожланишининг ҳамма кўрсаткичлари бўйича устунлик қиласди. Шундан маълумки, бир ёшлик кўчатларнинг илдиз тизими етарли даражада бақувват бўлади ва доимий ўсиш жойига ўтқазилган йили яхши ривожланади. Иккى ёшлик кўчатларда уларни кўчатзордан ковлаб олиш вақтида илдиз тизимининг фақат 30—40 см узунликдаги қисми сақлашиб, қолган фаол ривожланган фаолиятли илдизлари ерда қолиб кетади. Бунинг натижасида кўчатларнинг биринчи йилги ўсинида унинг кучли ривожланган ер устки қисмига ишсбати илдиз тизимининг (регерацион) тикланиши қобилияти орқада қолади. Бу ерда ўсимликнинг ер устки органлари билан илдиз тизими ўртасидаги (корреляцион) ўзаро боғланиши бузилади.

Қаламчадан ўстирилган бир йиллик кўчатларни доимий ўстириш жойидаги ер устки қисмийнинг ривожланиши ҳамда барг ҳосили бўйича иккى ёшлик кўчатлардан ўтқазилган тут дараҳтларига қараганда ҳамма кўр-

саткичлари бўйича устунилиги кузатилади. Қаламчаларниң ўтқазини муддатини ҳисобга олганда иккала дараҳтларининг ёши бир хил (4 ёшли). Лекин бир йиллик ва икки йиллик кўчатларидан ўстирилган тут дараҳтларининг кўрсаткичлари бўйича бир-бирига нисбати мос равишда қўйидагича: 120 см баландликдаги диаметри 7,7—6,7 ва 6,9—6,3 см ни, новдаларининг умумий узунлиги бўйича 84,4—24,4 ва 57,8—24,7 м ни, баргларининг сони 1955—858 ва 1990—964 донани барг ҳосили бўйича 6,1—3,1 ва 4,7—3,0 кг ни ташкил қилди.

Кўчатзорда бир йил давомида ўстирилган кўчатлардан ўтқазилган тут дараҳтларининг барг бериш маҳсулдорлиги икки йил давомида ўстирилган кўчатлардан ўтқазилган тут дараҳтлари ёшининг тенг бўлишига қарамасдан юқори, яъни қаламчалар кўчатзорга 1973 йилда ўтқазилган бўлиб, баргидан биринчи марта 1976 йилда фойдаланилди.

Тут дараҳтлари барг ҳосилининг тўпланиш суръати йиллар бўйича ҳар хил бўлди. Бу кўчатларининг неча ёшли қилиб ўтқазилганлигига бевосита боғлиқ. Кўчатзорда бир йил ўстирилиб доимий ўсиш жойига 1974 йили баҳорида ўтқазилган тут дараҳтларининг барг ҳосили 8,3 кг, доимий ўсиш жойига икки йил кўчатзорда ўстирилиб, 1975 йил баҳорида ўтқазилган тут дараҳтларидан олинган барг ҳосили эса 4,8 кг ни ташкил этди, бу ерда биринчисининг ҳосилдорлиги иккинчисига нисбатан 86,3 фоиз юқори (1977 йил куздаги баргларининг оғирлиги) эканлигини кўриш мумкин.

### Озиқабоп бута тутзорларни қаламчаларидан ўстириш

Пиллачилик соҳасини йил сайин ривожланиб бориши муносабати билан бута тутзорларни кўпайтириш ва уларининг баргини мумкин қадар ипак қурти учун эрта фойдаланишга топшириш асосий муаммолардан биридир.

Узбекистоннинг пиллакор районларидаги барг берадиган тутлар асосан йўл ёқаларига, сугориш шахобчалари бўйларига, пахта далалари атрофига, маҳсус тутзорларга, шунингдек, бошқа мақсадлар учун ажратилган жойларга ўтқазилади. Шунга кўра қаторлаб ўтқазилган тут дараҳтлари пиллакор туманлардаги тут дараҳтларининг қарийб 90 фоизини ташкил қиласди.

Тава шаклланнининг наст-баландлигига қараб тутлар баланд танали ёки бутасимон, шох-шаббасига шакл бериш бўйича эса бир каллак, яъни шакл берилмаган ёки кўп каллак икки ва уч погонали бўлиши мумкин.

Қаторлаб ўстирилаётган, тутларнинг новдаларийни қирқишида, уларни транспорт воситаларида ташиб ва энг муҳими уларга ишлов беришда техникани ишлатиш авча мураккабдир. Лекин далалар атрофига қаторлаб ўстирилаётган тут дараҳтлари, экинларни шамолдан муҳофаза қилиш ва мелиорация мақсадлари учун жуда ҳам зарурдир. Булардан ташқари улар ўз атрофида кераклича кичик иқлим шаронтини яратади, бу эса бир йиллик экинларнинг ўсиши ва ривожланишини яхшилашга имкон беради. Шу сабабдан бўлса керак қатор қилиб ўтқазилган тут дараҳтлари, озиқлик қўймати жиҳатидан юқори бўлган мўл ва барқарор барг ҳосили беради.

Озиқ берувчи тутларни ариқ бўйларига, йўл ёқаларига ва далалар атрофига қатор қилиб ўтқазишда икки ёшлик шох-шаббали кўчатлардан фойдаланилади. Бунда улар бир-биридан 1,5—2,5 метр ёки 3 метр оралиқда ўтқазилади. Тут кўчатларини ўтқазишнинг энг мувофиқ муддати куз ёки эрта баҳор ҳисобланади. Дастребки икки-уч йил давомида тутлар ҳар 15—20 кунда мунтазам равишда сугориб туришни ҳамда дараҳт атрофини 15—20 см чуқурликда юмшатилишини талаб этади. Дараҳтларни бундан кейинги парваришлаш ишлари тупроқни нам ҳолатда сақлаш, юмшатиш, бегона ўтлардан ҳоли тутиш ва керакли муддатларда ўғитлашдан иборат бўлади. Сугориш олдидан культиваторлар ёрдамида, сугориш эгатларини олиш вақтида бир йўла ўғитлар ҳам берилади.

Баланд танали ва бута тутзорлар бир-биридан фарқ қиласи. Чунончи, бута тутзорлар баланд таналиларга қараганда фойдаланишга эрта киришади. Уруғидан ўстирилган ниҳолчалар ўтқазилганидан кейин учинчи йилидан бошлаб баргидан ипак қурти учун фойдаланиш мумкин. Қатор қилиб доимий ўқув жойига ўтқазилган уруғидан ўстирилган баланд танали тут дараҳтлари баргидан эса бешинчи йилдан бошлаб фойдаланиш мумкин. Агар ёш дараҳтлардан барглари учун муддатидан илгари фойдаланилса, у ҳолда келгусида

мумкин бўлган барг ҳосилининг деярли ярмини олини май қолишига сабаб бўлади.

Бута тутзорлар фойдаланишишининг биринчи йилидан бошлаб баланд танали тут дараҳтларига қаранганд ачагина юқори барг ҳосили беради. Чунки бунда гектар бошига кўп ўсимлик жойлаштирилган бўлади.

Бута тутзордаги бута туплар ҳар йили баҳорда барг ҳосили учун ер бағирлаб кесилиши туфайли уларнинг орасини механизация ёрдамида ишлаш мумкин. Бута тутзорларнинг қатор оралари ҳам баланд танали тутларники сингари ишланади: вақт-вақти билан культивация қилинади, минерал ўғитлар билан ўғитланади.

Лекин бута тутзорлар экилиш тартибларига кўра хилма-хиллиги билан баланд танали тутлардан кескин фарқ қиласди. Чунончи бута тутзорларда ўсимликларнинг жойлаштирилиши, қатор ораларининг кенглиги, тутнинг ер устки қисмига шакл берилиши, ипак қуртларининг ёшига ва боқиши мавсумига қараб ҳар хил бўлади.

Одатдаги бута тутзорларни барпо этишда тутлар  $3 \times 0,5$  ва  $4 \times 0,5$  метрли шартли экиш оралиғи бўйича, кенг қаторлаб ўтқазиладиган тутзорларда эса қатор оралари кенглиги 6 м, 8 м қилиб жойлаштирилади.

Кенг қаторли бута тутзорлардаги тутлар ғўза билан ёки бошқа қишлоқ хўжалик экинлари билан бирга ўстирилади. Бунда жамики агротехника тадбирлари, яъни тупроқни ишлаш, озиқлантириш, шунингдек суғориши ишлари қатор ораларида ўстириладиган экинлар талаб этган муддатларда амалга оширилади (Г. В. Бутенко, 1986). Тут дараҳтларида илдиз тизимининг кенг тарқалиб ўсанлиги туфайли улар қатор ораларида ўстириладиган бир йиллик экинлар учун берилади. Озиқалардан тўла равишда баҳраманд бўлади. Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида кенг қаторли бута тутзорларнинг жорий этилиши пиллакор хўжаликларини ипак қуртлари боқиши учун барг билан егарли таъминлаш имконини берди. Бу ерда ўсимлик тупларига шакл берishi ниҳочаларнинг ёки кўчкатларнинг асосий ташачаларини ер бетидан 8—10 см баландликда кесишдан бошланади. Шундан кейин ҳосил бўлган янги новдалардан яхши ривожланган, симметрик жойлашган 10—15 см узунликдаги утласини қолдирилиб, қолганлари асосидан ҳалқалаб кесилади. Қолдирил-

гап учта новдалар, кейинчалик 50 см баландликда қирқилиб ўсимликининг шох-шаббаси бунёд этилади.

Баҳорда ишак қуртларини боқини учун мавжуд тутзорлар новдалари ҳаммаси (қолдирилмай) кесилиб, улардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим.

Деярли ҳамма пиллачилик хўжаликлари зиммаларидаги пилла тайёрлаш режаларини баҳорги қурт боқини мавсуми ҳисобига бажарадилар. Ёзги ва ёзги-кузги қайта қурт боқишлар тажриба мақсадларида, одатда, наслчиллик станцияларида ва тут дараҳтларини кечки баҳорги совуқ урганда айрим хўжаликларда амалга оширилади. Ишак қуртларини боқиншниң ҳамма муддатларида уларни барг билан мунтазам равишда таъминлаб туриш учун маҳсус тутзорлар барпо этиш керак бўлади.

Бу хилдаги маҳсус тутзорлар бўлмаган тақдирда ишак қуртларига бериш учун баҳорда қирқилгандан кейин янгидан ҳосил бўлган новдаларнинг учки қисмидаги баргларидан фойдаланишга тўғри келади. Новданинг уч қисмида жойлашган барглар энг тўйимли ва сифатли ҳисобланади.

Бута тутзорлар баргидан қайта фойдаланишда уларнинг бир йиллик новдаларини учки қисмини кесиб ишлатиш, новдаларни қисман ёки асосидан узуноқ қилиб кесиб фойдаланишга тўғри келади. Бу ҳол ялни барг ҳосилини 16—40 фоизгача ошириш имконини беради (Г. Б. Бобожонов, А. Гулдатов, 1988):

### Қаламчаларидан барпо этилган бута тутзорлар

Озиқ берувчи бута тутзорларни қаламчаларидан ўстириш ва парвариш қилиш. Барг ҳосили учун бута тутзорлар барпо этишда уларнинг доимий ўстириш жойига ёғочлашган қаламчаларни экиш тутчиликда энг истиқболли усуллардан бири ҳисобланади. Шу усулда этиштирилган тутларнинг қаламчалари экиландан фойдаланилгунга қадар бўлган давр қисқалиги ва уларнинг барг ҳосили дастлабки йилдан юқори бўлади.

Бундай бута тутзорлардаги тутларнинг ҳосилга киришини барвақт бошланиши ва барг ҳосили бўйича юқори маҳсулдорликка эга бўлишининг бонси қаламчаларни хўжалик жиҳатидан қимматли бўлган навлар

ва ёш дурагай тутлардан тайёрланганилиги, қаламчаларни бақувват илдизга эга бўлганилиги ҳамда тегишли агротехника тадбирларишийг қўлланилишига боғлиқдир.

Бута тутзорларни барно этиши учун тупроқни тайёрланишилари ерии кузда шудгорлаш, баҳорда текислани ва қаламчаларни ўтқазиш учун эгатлар олишдан иборат бўлади. Бунда қатор ораларининг кенглиги 3—4 метр, қаторда қаламчалар орасида эса 0,5 метр бўлади.

Қаламчалар ётиқ (горизонтал) ҳолатда ўтқазиладиган бўлса, ҳар 0,9 пог. метрда ( $0,5 \times 0,4$ ) битта қаламча жойлашади:

$$\frac{10000}{0,9 \times 3} = 3700 \text{ дона қаламча}$$

Қаламчалар экилгандан кейин қатқалоқ босишининг олдини олиш мақсадида эгатлар пуштасига қилин сепилади.

Дастлабки бир ярим — икки ой мобайнида тутзордаги жўяклардан сувни жилдиратиб оқизиш орқали қаламча жойлаштирилган пушта доимий нам ҳолатда ушланади. Бу хилдаги сугориш ёғингарчилик турган пайтларида ўтказилмайди. Қаламчаларни илдиз олиши учун уларни етти-ўн марта сугориш кифоядир.

Бута тутзордаги қаламчалар илдиз чиқариши билан (йилнинг охирига қадар) сугоришда марзанинг ярмигача тупроқ ҳамиқтирилса, етарли бўлади. Бунинг учун сугориш бир кечакундуздан ортиқ бўлмаслиги керак. Ўсув даври мобайнида бир-биридан етти-саккиз кун оралиқда 13—15 марта сугориш ўтказилади.

Ўғитлаш эса икки муддатда ўтқазилиб, май ойининг биринчи ярмида гектарига соф ҳолда 45 кг азот, 60 кг фосфор, бир ойдан кейин яна 45 кг азот берилади. Қатор оралигига трактор культиватори билан ишлов берилиб, ўсимлик ораси эса кетмон билан чопиб юмшатилади.

Қаламчалар ўтқазилган йили улар жуда эркин ўсиб, ҳар қайси қаламчадан (кейинчалик ўсимлик тушини шакллантирувчи) уч-тўртта повда ўсиб чиқади. Ана шу новдаларнинг узунлиги ўсув даври охирда 2,5—3 метрга, асосининг йўғонлиги 2,5—3,5 см га етади. Қаламчаларидан ўстирилаётган ўсимликлар кучли даражада ривожланганилиги учун уларнинг баргларидан уру-

тіндан ўстирилаётган тутларникігә нисбатан әртароқ фойдаланилади. Қаламчасидан ўстирилған бута тутлар-нинг шох-шаббасини шакллантириш каби ишларни ўт-казишиңа ұжат қолмайды, чунки бута тутлар (новда-лар) ер бағирлатыб кесилади.

Ұз илдизига әга бўлган, яъни қаламчасидан кўпай-тирилған тутларда барг ҳосили ниҳодласидан барпо этилған бута тутзорлардагига қараганда ҳамиша юқо-ри бўлади. Буни қаламчасидан кўпайтирилған тутлар-нинг илдиз тизимлари ўсишининг иккінчи йилиёқ кучли дараражада ривожланиши билан изоҳлаш мумкин.

Етиқ ҳолатда экилған қаламчалардан ўстирилаётган бута тутларнинг илдиз тизими иккى йил ичида асосий илдизлари йифиндиши бўйича саккиз марта ( $6,0-50,0$  м) ва ён илдизларининг йифиндиши бўйича эса иккى марта гача ( $74,0-130,9$  м) ортади.

Фарғона вилояти шароитида клон йўли билан кў-пайтирилганда тутларнинг дурагай тутларга нисбатан барг ҳосили  $165-236$  фоизга ошганлиги кузатилган.

Уруғидан етиштирилған бута тутларнинг ер устки қисми қаламчаларидан етиштирилған ўсимликларга қараганда кучсиз ривожланади. Қаламчалардан бута тутзор ташкил қилиб иккинчи йилиёқ уларнинг барги-дан фойдаланиш мумкин.

Етиқ ҳолатда экилған  $30-40$  см узунликдаги қа-ламчалар қалин ўсимлик қаторларини ҳосил қиласади. Уларнинг  $30-50$  см баландлигига каллак ҳосил қилин-са жуда кўплаб майда новдалар чиқарниб зичлашиб кетади, бу эса ҳосилини кескин камайтиради.

Қатор оралиги  $3$  м бўлган бу хилдаги бута тутзор-лар баргидан фойдаланишининг иккинчи йилиёқ иккى қатордаги новдалар бир-бирига туташиб кетади. Шу-нинг учун ҳам ўз илдизига әга бўлган (қаламчасидан кўпайтирилған) бута тутзорларни энг яхшиси қатор ораларини  $4$  м ва қатордаги ўсимлик оралигини  $0,5$  м барпо этиш ҳамда новдаларини ер бағирлатыб кесиш мақсаддага мувофиқ келади. Чунки мазкур ўсул энг фой-дали ҳисобланади.

Қаламчасидан барпо этилған бута тутзор биринчи йилиёқ яхши агротехника тадбирларининг қўлланиши, ўсимликларнинг илдиз тизими ва ер устки қисмининг ривожланиш жараёнларини жадаллаштиради.

Одатда ётиқ ҳолатда экилған  $30-40$  см узунликда-ги қаламчалардан бир неча ( $2-4$  тагача) новда ўсиб

чиқади. 15—20 см узунликда тайёрланган қаламчадар күн қилиб экилганды эса уларда биттадан новда ри вожланади. Шунга күра бута тутзорларни барни этиш да 30—40 см узунликда тайёрланған қаламчадардан фойдаланиши ва уларни ётиқ ҳолатда экин мәссада мұвофиқдір.

Үз илдизига зәғ бўлған бута тутзорларда қатор оралари 3 м, қатордаги ўсимликлар оралиги 0,5 м қилиб жойлаштирилганды, ҳар гектар майдондаги бута туплар сони 3700 дона бўллади. Тутларни баргидан фойдаланишининг учичи йили гектардан олингани барг доенини 17-жадвалдан кўриш мумкин.

17-жадвад

#### Қаламчасидан ўстирилган бута тутларниң барг ҳосили

Клон	Ҳар 1 гек-тардан, д	Изборатта ишебати, %
«Кириу» x «Пионер»	149,9	208,1
«Кириу» x «Дурагай» (ўз илдизига зәғ)	170,3	236,8
«Кокусо»-70 x «Пионер»	119,4	165,8
САНИИШ-5 x «Пионер»	152,1	211,2
Дурагай (изборат)	72,0	100,0

Кўриниб турибдики, тутзордан фойдаланишининг учичи йилида тутлардан олингани барг ҳосили уруғдан барпо этилган тутзорга қараганда 2,0—2,5 баравар юқори бўллади.

Тут новдалари баргидан фойдаланиш учун кесилгандан кейин ўсиб чиқсан асосий ва барг берадиган новдалар сони ўртасида ўзаро боғланиш ҳам кузатилади. Ўсимлик тунида битта асосий новдадан қирқирилгандан кейин барг берадиган янги 10 та новда, агар асосий новда иккитадан қолдирилганды уларда тахминан 15 та, 3—4 тадан қолдирилганды 15—20 тадан барг берадиган новдалар шаклланади.

Уч-тўрттадан асосий новдаси бўлган ўсимлик тупида новдаларни ўртача узунлиги катта аҳамият касб этади. Келажакда барг ҳосилини белгилайдиган новдаларни ўртача узунлиги камида 2—2,5 м атрофидан бўлса мақсадга мұвофиқ бўллади.

Ўз илдизига зәғ бўлган ўсимликларниң барг берадиган новдалари сони уруғидан етиширилган дурагай

тұлардан устуңлик қиласы. Чунки ёши бүйінча еттің-  
ші йилга бориб берадиган барг ҳосилини улар уч йил-  
да беради.

1962 йылдан бошлаб ҳозирғи қадар барг етіштириш  
мақсадида Үзбекистоннинг иқлим шароити турлыча  
zonаларида бўлган қаламчаларидан тутзорлар барпо  
этиб келинмоқда.

Тутларни қаламчаларидан кўпайтириш усули рес-  
публикасининг бошқа пиллачилик хўжаликларида ҳам  
кенг тарқалди. Қаламчаларидан барпо этилган тут-  
зорлар  $4 \times 0,5$  метрли шартли оралықда экилиб, би-  
ринчи йили қатор ораларига гўза экиб фойдаланилади,  
иккинчи йили тутларнинг барғи ипак куртларини боқиши  
учун кесилади, бунда ҳар гектардан олинадиган барг  
ҳосили 3 тоннани ташкил этади.

Янгидан барпо этилган туманларда қишлоқ хўжа-  
лик ишлаб чиқаришида асосий ўринни пиллачилик  
эгалайди. Үзбекистоннинг жанубий туманлари ноҳия-  
ларнда пиллачилик соҳасини йил сайин кенгайтирили-  
ши муносабати билан унинг озиқа негизини барпо этиш  
масаласи асосий вазифалардан бири бўлиб қолди,  
буни энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда ни-  
ҳоятда қисқа муддатда амалга ошириш керак бўлади.

Пиллачилик учун барқарор, юқори маҳсулдорли ози-  
қа базасини бунёд этиш учун тутларни уруғидан ва  
вегетатив йўл билан кўпайтириш агротехникаси иш-  
лаб чиқилди. Тут барглари ҳосилини етштириш мақса-  
дида кўчатларни қаторлаб экиш ва уларни кенг қатор-  
лаб ўстириш бўйича кузатиш ишлари олиб борилди.

Ҳозирги кунда мавжуд тажриба натижаларига  
асосланиб туриб Қарши даштининг янгидан бунёд этил-  
ган туманларида пиллачиликнинг мустаҳкам озиқа не-  
гизини яратишининг биологик асосларини ўрганиш ва  
ишлаб чиқиш талаб этилади.

Чунки Қашқадарё вилояти Үзбекистоннинг жануби-  
гарбидаги жойлашган, унинг майдони  $28,6$  минг  $\text{km}^2$  ни  
ташкил этади.

Қашқадарё вилояти ҳудудининг тупроқ қоплами  
иккى қисмга, яъни гарбий ва шарқий зонага бўлинади.  
Қарши ва Нишон даштларининг текисликлари қумли  
дашт ҳамда оч тусли бўзупроқдан иборатидир. Улар  
турли даражада шўрланганлиги ва тупроқ горизонти-  
нинг учкалик кучли эмаслиги билан характерлайдир.  
Қарши даштида сизот сувлари ер юзасидан  $8-10$  метр

чуқурликда жойлашған. Сизот сувларининг минерал-лашганик даражаси күчсиз ва ўртачадир.

Қашқадарё вилояти жуда катта иссиқлик маибаига эгадир. Вилояттинг тоголди зоналари бўйича фойдали ҳарорат йигнидиси 3100—4100°га боради. Актив ҳарорат (10°C дан юқори) йигнидиси текислик қисмидаги 4000—6000°C га ва тоққа яқин жойларда 2500—3500°C га етади. Пил давомида ҳарорати 10°C дан юқори бўладиган давр 160—250 кунни ташкил этади.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига юқори ҳарорат салбий таъсир қиласи. Вилоядта юқори ҳарорат узоқ вақт сақланади. Баъзан кундуз кунлари ҳарорат соя жойларда 40—44°C га қадар кўтарилади. Бунинг натижасида ҳаво намлиги пасайиб ўсимликларнинг ўсиши ёмонлашади.

Ҳавонинг табиий намлиги асосан ёғингарчилик ҳисобига вужудга келади. Вилоят ҳудудининг гарбий пасттекисликлари (Қарши ва Нишон даштлари) да ёғингарчилик кам бўлади. Бу ерда Сундуқли чўлининг таъсирни сезиларли даражададир: мазкур жойда йиллик ёғин миқдори 190 мм ни ташкил этади. Ўсимликларга айниқса кучли шамол билан ёғадиган жалалар ва дўллар айниқса ёмон таъсир кўрсатади.

Қарши даштининг тупроқ қоплами типик оч тусли ва бўзтупроқлардан, кулранг-қўнғир дашт қумли тақир тупроқлардан, бўзтупроқли минтақанинг ўтлоқ ва шўрхокларидан иборатдир. Оч тусли бўз ва тақир тупроқлар Қарши дашти ер фондининг энг яхши қисмини ташкил этади. Бу хилдаги тупроқларда чиринди аз ва ҳаракатчан фосфор кам миқдорни ташкил этад. Ана шу тупроқларнинг унумдорлигини ошириш учерга органик ва минерал ўғитлар солиш керак бўлади.

Қарши даштида пиллачиликни ривожлантириш учун имконият яратадиган ёки унга халал берадиган ўзига хос табиий шароитлар Ю. Миралимовнинг ишларида (1975) келтирилади. Ёзги пайтларда тупроқнинг юза қатламида хлор миқдори бир оз ортади, май юйининг бошларига бориб у тупроқнинг 0—30 см ли горизонтида 0,018 фоизни, июлда эса 0,028 фоизни ташкил этади. Ўсимликлар ўсув даврининг биринчи ва иккичи йилида иобуд бўлади. Ўсимликтин ўсиши ёзномининг тупроқ юзасидан узлуксиз равишда бурланиши туфайли тупроқда тузнинг тўпланиши кучаяди. Бу

жарахиниң ривожланмасын ишмекен үсімліктеринің нөхуд бүлишінде олиб келади. Үсімлік барлариниң тұз үйборлары қолпайды ва улар қуриб қолади. Үсімліктериниң енни оңған сары на жиши материалдариниң сифаты яхшиләнешін билан улариниң шұрга чидамдағы ортады. Хұқазылған тутлариниң күкариши 30,2—90,3 фойзни ташкил этти.

Күчли шамоллар қышлоқ хұжалигига сезилардың даражада заарар келтиради, бу ҳол түпроқ өрөнжасының кедитириб чықаради. Күчли даражада жасалған күндер шөншөл ойларында түгрік келади, бу хилдаги шамоллардың күчлариниң ийлілік миқдори 13 дан 22 күнге қадар ұзарып туради. Ана шу шароитта шамоллинин күчиниң түсени мақсадыда йұл әқаларында, сугориши шахобчаларында бұйыларында да дағы атрофига даражаттар үткәзіб шахота минтақаларни барпо этиш керак бўлади (Шодайев, 1976).

Түпроқнинң физик хосасаси ва структурасы тут даражатариниң үстіришінде энг муҳим омыллардан бири ҳисобланади. Университеттегі ривожланыштың учун түпроқ мувоғиқ келадиган даражада донадор структурасындағы бүлиші лозим.

Ўзбекистоннинг кўпчилик вилоятларида түпроқ икъдим шароитлари учун қийин илдиз оладиган даражатарни қаламчасыдан кўнайтириш агротехникасын ұзатыптырылған ва мазкур усул энг фойдалы деб томдатган. Аммо шунга қарамай барги учун барно этиладиган озиқ берувчи тутларни ёғочлашган қаламчаларидан барно этиш масаласи ҳали етарлы даражада үрганилған эмес. Тут қаламчаларини очиқ ерда илдиз олдириш маъзум даражадаги ҳарорат ва түпроқ наменги, шуннингдек бошқа шарт-шароитлар билан бевосита болып көрді. Бу хилдаги кузатиш ишлари биринчи марта Қарши даштида олиб борилди.

Тут навлариниң ташлашида улариниң шұрланған түпроқлардан ва иессиқ иқлими шароитларда қаичалик илдиз олиш қобилиятынин, шуннингдек улариниң юқори маҳсулдорлигинин, яғни юқори барғ ҳосили беришими ва инак құртлариниң бокишида қаичалик сифатын озиқ беришими ҳисобға олиш керак бўлади.

Бунда асосий әзтибор тутларини маҳаллай ва районлаштырылған селекцион навларында қаратаилади.

Буниң учун қаламчаларни қайсан муддатларда тайёрлашы, улариниң хиллари, хусусан қаламчалариниң

узулиги, қаламчалар учун новдаларни тайёрлаш, қаламчаларни экини чуқурлиги ва уларни парвариш қилиш усулларни билин лозим. Буларнинг ҳаммаси қаламчаларни ҳаддан ташқари ишқулай шароитга тушишдан ва иисбий намликни ошиб кетишидан мухофаза қилишга қаратилган бўлшини керак. Шунга кўра олимида турган вазифа экилган қаламчаларни нам билан етарли миқдорда таъминланш, тупроқда ихши ҳаво алманиниш шароитини ва мўътадил даражадаги ҳароратни яратишдан иборат бўлмоғи лозим.

Этагт пушталарининг ўртасига қаламчаларни ётиқ ҳолатда жойлаштириш (5—10 см чуқурликда) ва қаламчаларининг илдиз олиши учун мўътадил даражадаги шароитни вужудга келтириш керак.

Қаламчаларининг илдиз олишига дастлабки бир ярим икки ой мобайнида тупроқ доимий равишда нам ҳолатда сақланиши ва марзалар тўла намиққунга қадар сугорилиши керак. Илдиз олгандан кейинги сугоришилар маълум оралиқда, иложи борича тунги соатларда ўтказилса яхши бўлади. Бунда мавсум давомида сугоришини 24—26 марта ўтказишга тўғри келади. Усув даври мобайнида ўғитлар икки муддатда берилади: биринчиси май ойининг биринчи ярмида ўтказилади, бунда соф модда ҳисобида азот гектарига 60 кг. 45 кг дан фосфор берилади. Орадан бир ой ўтказилиб, иккинчи марта ўғитлашда гектарига соф модда ҳисобидан яна 60 кг азот ва 45 кг дан фосфор берилади. Қатордаги ўсимликлар ораси кетмон билан, қатор оралари эса трактор культиватори билан ишланади. Шутган бута тутзорлар ўсув даврининг биринчи йили (тупроқни ишланаш жараёнини ҳисобга олмагандан) ҳеч қандай меҳнатни талаб этмайди. Бу кўп миқдорда маблаг ва меҳнатни тежаб қолиш имконини беради.

Қаламчасидан етиштирилган бута тутзорларни кўклиамги биринчи кесиши ишак қуртларининг IV—V ёшлини даврига тўғрилаб амалга оширилади, бу муддат апрельнинг охири ва май ойининг ўрталарига тўғри келади. Тутлар ер бағирлаб кесилганда кейин ўсимликка ҳеч қандай шакл бериш ишлари ўтказилмайди. Бундан ташқари бута тулларини ишланаш, ишларини қатор ораларини культивация қилиш билан бирга амалга ошириш имконини беради. Қарши лашти шароитида тутновдалари баҳорги курт боқиши учун кесилганда кейин

(тикланиш имкони яхши бўлгани туфайли) ўсимлик ўсув даврининг охиригача келгуси йили яхши ҳосил берадиган ҳолатга келди. Бунда ўз илдизига эга бўлган бута тутлар барги биринчи марта фойдаланилгандин кейин, яъни иккинчи ўсув йилида ер устки қисми-кучли ўсиниш кузатилади. Усув даври охирига боргандага новдалар яхши етилади ва улар яхши ё очи-ланнишга улгурди.

Тажриба мақсадлари учун қаламчасидан етиширилган бута тутларнинг айрим туплари (экилгандан кейин иккинчи йили) баҳорда кесилмай фойдаланиш даврларини аниқлаш учун кузга қадар эркин ҳолда ўстирилди. Бунда ўсимликнинг ер устки қисмлари ва илдиз тизимининг ривожланиш даражаси аниқланди. Усув даври мобайнида тутзор 12 марта сугорилди, қатор ораларига трактор культиваторлари билан икки марта ишлов берилди, икки марта ўғитланди; гектар бошига соф модда ҳисобига 180 кг азот ва 90 кг фосфор берилди. Ана шу агротехника қоидаларига амал қилиб ўстирилган икки ёшлик ўсимликнинг ўсув даври охирида кучли даражада ривожланганилиги яқъол кўринди. Бунда ўсимликнинг бўйи 4,51—6,38 метрга етди, тана асосининг диаметри 29—99 мм (кўпчилиги 50—60 мм)ни ташкил этди. Айрим ўсимлик туплари эса жуда ўсиб кетди. Уларнинг бўйи 6 метрни, ҳатто танаси иккита бўлишига қарамай йўғонлиги 83—99 мм ни ташкил этди. Ўсимлик тупларининг бундай кучли ўсиб кетиши ўз илдизига эга бўлган тут даражатларидан экилгандан кейинги иккинчи йили ёки барг ҳосили учун фойдаланиш кераклигидан далолат беради.

Уруғидан ва қаламчасидан кўпайтирилган бута ва баланд танали тутларни доимий ўсув жойида ўзаро таққослаганимизда қўйидагилар кузатилади:

— бута тутларнинг баргидан инҳолчалари ўтқазилидан кейин учинчи йили, баланд танали тут баргидан эса ўтқазилган икки ёшлик кўчатлардан кейин бешинчи йили фойдаланила бошланади.

— Қаламчалардан барпо этилган бута тутлар барги фойдаланишга барвақт етилади, уларни ўтқазишдан холос. Барг ҳосили 3—4 баробар кўп.

Тутларни ёочлашган қаламчаларидан очиқ ерда кўпайтириш соҳасидаги тадқиқот ишлари тўхтосиз равишда олиб борилмоқда.

Бу хилдагы күзатыш шарлари 1980—1985 йылдарда Қашқадарё вилоятининг Нишон туманиндаи Усмон Юсупов иомли техникум-давлат хўжалигига, пиллачиллик бўйича наслчиллик савхозида ва вилоятиниг бошқа хўжаликларида олиб борилди. Бундайни бута тутзорлар иккита хўжаликиниг ўзида 40 гектар майдона барпо этилган.

Тут дараҳтлари экологик жиҳатидан мезофит ўсимликлардан саналади. Урта Осиёниг кўпчилик пиллачиллик туманларининг иқлим шароити қуруқ бўлиб, бунда намгарчилик омили ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунга кўра барг берадиган тутларни иқлим шароитларига қараб районлаштириш керак бўлади. Бунда ҳарорат муҳим роль ўйнайди, уларниг эрта кузги ва кеч баҳорги таъсирини, шунингдек қишики наст ҳароратини ҳисобга олиш лозимdir.

Қарши даштида тут дараҳтларини қаламчаларидан кўпайтиришга тупроқ ва ҳавонинг ҳарорати, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, структураси, қумли тупроқ, суфориш системасининг мавжудлиги катта имконият яратади, шу билан бирга мазкур зонада тупроқларнинг анчагина қисмини шўр босганлиги ҳам кузатилади.

Вилоятда иқлим шароитига мос келадиган тутларни кўпайтириш учун замонавий селекция йўли билан етиширилган, сифатли барг ҳосили берадиган, касалликларга ҳамда нокулай иқлим шароитларига нисбатан чидамли бўлган навлар танланиши керак.

Нав синовидан ўтган ва районлаштирилган тут навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, улар асосида ипак қуртининг озиқа негизини барпо этиш Қарши даштининг янги ташкил этилган туманларida пиллачилкни ривожлантиришга имконият яратади.

Танлаб олинган тут навларининг анчагина қисмини биринчи маротаба қаламчаларидан кўпайтиришга тўғри келади. Бунда уларнинг ёғочлашган қаламчаларидан очиқ жойда илдиз олиш қобилиятларини ўрганиш ва ённасига қаламчасидан кўпайтириш учун осон илдиз оладиган навларини танлаш жуда муҳимdir.

Кўпайтириш учун қаламчалар Тошкент Давлат аграр университетини ўқув-тажриба хўжалигига клон йўли билан ўтирилган, осон илдиз оладиган, хўжалик жиҳатидан қийматли дурагайлар ва Урта Осиё пиллачиллик илмий бирлашмасининг тажриба хўжалигига ўсадиган тут навларидан олиниди.

Тутларнинг тайлаб олинган дурагайларини қаламчалар йўли билан бир печа бор қайта кўпайтириш орнади. САНИИШ-5 x «Пионер», «Кинриу» x «Пионер», «Кокусо»-70 x «Пионер», САНИИШ-5 x «Дурагай», «Победа» x «Пионер», навдор тутлардан: «Қатлама», «Пайванди», САНИИШ-15 ва «Ўзбек» навлари киради. Навдор тутлардан тайёрланган қаламчалар биринчи йили тутзорга ҳалқаланимасдан ўтқазилди.

Клонларнинг (ҳалқаланинган қаламчаларнинг) илдиз олиши 83,8—92,0 фоизни ташкил этди. «Кинриу» x «Пионер» клонида 92,0 фоизгача илдиз олиш кузатилади. САНИИШ-5 x «Пионер» клонлари эса 90,0 фоизга қадар илдиз олган. Ҳалқаланмаган қаламчаларни биринчи марта қаламчалаб ўстиришда энг юқори илдиз олиш юқорида келтирилган навларда кузатилди ва у 73,0—62,0 фоизни ташкил этди (18-жадвал).

18-жадвал

Тут қаламчаларнинг илдиз олиши

Клон ва навлар	Экинган қаламчалар, дона	Илдиз олган қаламчалар, дона	Илдиз олиши, %
САНИИШ-5 x «Пионер»	1800	1620	90,0
«Кинриу» x «Пионер»	1800	1655	92,0
«Кокусо»-70 x «Пионер»	1800	1610	89,0
САНИИШ-5 x «Дурагай»	1800	1630	90,8
«Победа» x «Пионер»	1800	1509	83,3
«Қатлама» (ҳалқаланмаган)	100	65	65,0
«Пайванди» (ҳалқаланмаган)	100	62	62,0
САНИИШ-15 (ҳалқаланмаган)	100	71	71,0
«Ўзбек» (ҳалқаланмаган)	100	73	73,0

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдик, ҳарорат юқори бўлған шаронтда дурагайларнинг клон комбинацияларидан, шунингдек, ҳалқаланмаган қаламчалар қайси тут навига ондлигидан қатъий назар илдиз олиши яхши боради.

Қаламча қилиб ўтқазилга, ўз илдизига эга бўлган, ўсимликларда дурагай комбинацияларига ва навдор тутларнинг қаламчаларига боғлиқ ҳолда ҳар қай-

Қаламчадан барпо этилган бута тутзорнинг  
даслабки йилдаги ривожланиши

Тут навлари ва илонлари	Новдаларни дана	Новдаланинг узунлиги		Новда асосининг йигинидиси, м	Новда асосининг бўтоглинигий сим
		урта ча, см	йигин- диси, м		
САНИИШ-5 x «Пионер»	3	295	8,8	1,5	
«Киприу» x «Пионер»	3	240	7,2	1,6	
«Кокусо»-70 x «Пионер»	3	239	7,1	1,7	
«САНИИШ-5 x «Дурагай»	4	300	12,0	1,5	
«Победа» x «Пионер»	3	235	7,0	1,4	
«Қатлама» (ҳалқаланимаган)	2	230	4,6	1,2	
«Пайванди» (ҳалқаланимаган)	2	240	4,8	1,3	
САНИИШ-15 (ҳалқаланимаган)	2	240	4,8	1,4	
«Узбек» (ҳалқаланимаган)	2	260	5,2	1,4	

си қаламчасида З тадан ва ундан ортиқ новдалар ҳосил бўлди (19-жадвал).

Клон ўйли билан кўпайтирилган тутларнинг бир йиллик новдалари узунлиги 230—300 см га, уларнинг йигинидиси эса 7,1—12,0 м га, навдор тутларники эса 230—260 см ва 4,6—5,2 м га, новда асосининг йўғонлиги 1,4—1,7 см ва 1,2—1,4 см га етади.

Тутларни доимий ўсиш жойида қаламчадан кўпайтириш усули қўлланилганда уларда экилишидан фойдаланишигача ўтадиган даврнинг қисқа бўлишини ва фойдаланишининг биринчи йилиёқ юқори барг ҳосили олиши имконини беради. Чунончи қаламчалар экилгач кейинги йили гектар бошига 3—4 тонна, иккичи йили эса 12—14 тонна барг ҳосили олиш мумкин. Ана шу миқдор барг билан 12—14 қути ипак қурти уруғи ни боқиш мумкин бўлади. Уруғи (ниҳолчалар)дан барпо этилган бута тутзорлар ўтқазилгандан кейин 3—4 йилдан бошлиб барг ҳосили беради, бунда олинган барг ҳосили гектарига 3—4 т га боради.

Ўз илдизига эга бўлган бута тутзорнинг самарадорларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини га тутзорнинг қатор ораларидан фақат биринчи йили, яъни қаламчалар экилган йили фойдаланиш мумкин.

Бута тутзорларни баргыз қаламчасидан барпо этиш-  
28 мөннат харажатлари пул билан ҳисобланса, уларни  
Оргидан) инхолчаларидан барпо қилингандан-  
жында 15 марта камаяди, қаламчаларни  
жылта қисқаради, бута тутзор иккинчи йили фойдалани-  
жында ҳосил түплаш учтүрт бараварига ортады.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР

1. Бигашев М. Ф. Выращивание линейных посадок саженцами шелковицы. «Сельское хозяйство Узбекистана» журнал, 1960, №11.
2. Бутенко Г. В. Новые типы кустовых плантаций шелковицы. «Шелк», Ташкент, 1961, №1.
3. Гребинская М. И. Новый способ окулировки шелковицы. «Госиздат», Ташкент, 1955.
4. Гребинская М. И., Пулатов А. Новый способ прививки черенком в корону шелковицы. «Шелк», Ташкент, 1965, №1.
5. Грабина И. П. Биологические особенности и хозяйственная ценность разнополовой шелковицы. Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1962.
6. Комиссаров Д. А. Биологические основы размножения древесных растений черенками, М., 1964.
7. Кренке Н. П. Теория циклического старения и омоложения растений, М., 1940.
8. Кренке Н. П. О черенковании и прививках. Регенерация растений, М.-Л., 1950.
9. Минчурин И. В. О некоторых особенностях корнесобственных плодовых растений, М., 1939.
10. Молотковский Г. Х. Полярность растений. Львов, 1911.
11. Миралимов Ю. М. Приживаемость и урожайность разновозрастного посадочного материала шелковицы на засоленных почвах Каражинской степи, «Шелк», Т., 1975.
12. Рахманбердиев К. Р., Зверева Р. Ю. Влияние температуры и влажности почвы на прорастание семян и черенков шелковицы. Труды ТашСХИ, вып. 20, Т., 1968.
13. Рахманбердиев К. Р., Мухамеджанова Ш. А. Гибриды шелковицы от корнесобственных и привитых сортов, М., «Колос», 1968.
14. Рахманбердиев К. Р., Хиббимов М. Х. Выращивание шелковицы черенками, «Сельское хозяйство» журнал, 1975, №10-сони.
15. Рахманбердиев К. Р., Хиббимов М. Х. Формирование черенковых саженцев шелковицы, Труды ТашСХИ, вып. 82, 1978.
16. Рахманбердиев К. Р. Биологические основы ускоренного создания кормового фонда шелководства путем черенования шелковицы, Т., «Фан», 1980.
17. Рахманбердиев К. Р., Хиббимов М. Х. Эксплуатация

- штамбовой и кустовой шелковицы, выращенной из черенков, Труды ТашСХИ, вып. 88, 1980.
18. Рахманбердиев К. Р. Ускоренное создание кустовых плантаций из сортовой и гибридной шелковицы в Кашикадаринской области, «Шелк», №5, Т., 1980.
19. Рахманбердиев К. Р. Подготовка побегов разного типа маточников путем кольцеваний, Труды ТашСХИ, 1990.
20. Федоров А. И. Тутоводство, М., 1954.
21. Хиббимов М. Х. Нормативы выращивания корнесобственных саженцев шелковицы, Труды ТашСХИ, 1990.

Рұғымуров Әбдікі  
жылдың чорбы...

### МУНДАРИЖА

Кириш	3
Тут дарахти ҳақида умумий мағлумоттар	5
Түттің күнайтынш усуаллары	6
Ониң ерда ғоночлаған барғыз қаламчалардан тут дарахттариниң күнайтынш	9
Егоночлаған қаламчалар тайёрланадында оны тутзор	20
Да илдизиге зәғ бүлгән наңдор тут күчтеги етиштирилдеген жой (питомник)	28
Тут қаламчасынан етиштирилдеген күчтегеларга шака беріши	31
Күчтегелар ўстириш давомийлігінин барт маңсулдорлығына таъсирі	48
Қаторлаб үтказылған тут дарахттаринин ривожлаланған сурьятты	49
Озиқабон бута тутзорларни қаламчалардан ўстириш	52
Қаламчалардан барып этилған бута тутзорлар	55
Фойдаланылған адабиёттар	69

95.0  
ҚАРИМ РАҲМОНБЕРДИЕВ,  
МАМАРАЛИМ ХИББИМОВ

ТУТ ДАРАХТИНИ ҚАЛАМЧАСИДАН ҚУПЛАИТИРИШ

(Ўқув қўлланма)

Тошкент — «Меҳнат» — 1997

Рассом В. Тий  
Бадний муҳаррир Ҳ. Қутлуқов  
Техник муҳаррир И. Сорокина  
Мусаҳидалар Ф. Исмоилова, С. Бадалбоева

ОИБ №1410

Теришга берилди 12.01.97. Босишига руҳсат этилди 10.04.97. Ўлчами  $81 \times 108 \frac{1}{3} \text{ см}$ .  
№1 босма көнозга «Литературни» гарнитурада юқори босма усулида босил.  
Шартли босма тобоги  $3,78 + 0,21$  вкл. Нашр босма тобоги  $3,9 + 0,25$  вкл.  
1500 нусха. Буюртма №16. Баҳси шартнома асосида.  
«Меҳнат» изашриёти, 700129, Тошкент, Навонӣ 30. Шартнома №19—96  
Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент ки-  
тоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даъвияни  
родов кўчаси, 1-йй.

Рұмшурасов Р